ШИКОЯТ КЎ-Ў-ЎП, ВАҚТ КАМ

- *"Ўғлимни қуруқ туҳмат билан 10 йилга озодликдан маҳрум қилишди"*
- *"Фалончига учранг, бунақа майда ишлар билан ўша шуғулланади"*
- *"Мактаб учун ўз ҳисобимдан 7 миллион 500 минг маблағ сарфлаганимга қарамасдан ишдан бўшатишди"*
- *"Ўтган асрнинг биринчи ўн йиллигида барпо этилган бинода мингдан зиёд талаба таҳсил олишмоқда"*

2 -бет

ДЕҲҚОН ҚАНЧА ЗАРАР КЎРГАН ЭДИ?

Олдинги вақтда Америка момиғининг Русияга пуди 18 сўмдан келтирила эди. А Туркистон момуғи ҳозирги сўғиш вақтинда, ҳар нарсанинг баҳоси 3-4 ортган чоқда-да такса бўйинча пуди 7-10 сўмдан тебраниб туради. Бутун Туркистон йил сайин 10-12 миллиён пуд момуқ чиқорғонда Туркистон деҳқонлари бу такса орқасинда йил сайин 100 миллиён сўм ёқоталар, демакдир. Мана, Туркистон деҳқонлари йиқган 100 миллиён сўм ақча рус сармоядорларининг киссасига киради.

3 -бет

Кўчирмакашликми ёки ўғрилик?

"Неки бимонанд жовидон" "Яхшиликлар абадий қолсин" деган маънони англатади. Буни эса бизнинг хонандаларимиз "Неки бўлса ҳам замонда" дея талқин қилишмоқда. Шу ва шунга ўхшаш мисолларни кўплаб учратиш мумкин.

4 -бет

Mustaqil gazeta

HURRIYAT

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan

№13 (319) **2003**-yil **2**-aprel

ВАЛЮТА ҚИЙМАТИ

1 АҚШ $ — 968,68 сўм

1 ЕВРО — 1048,41 сўм

«Ҳуррият» сизники, Сиз ҲУРРИЯТники бўлинг!

Газетамизга обуна давом этмоқда.

Нашр кўрсаткичимиз:
Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233.

Парламент

ТАЙЁРГАРЛИК

у қонун лойиҳалари муҳокамасидан бошланади

Олий Мажлиснинг ўн биринчи сессияси эълон қилинганига бугун ўн кун бўлади.

Навбатдаги сессия муҳокамасига ўнга яқин қонун ҳужжатлари лойиҳалари киритилиши мўлжалланмоқда. Ундан бир нарсани уқиш мумкин. У янги парламент ва маҳаллий Кенгашларга 2004 йилнинг охирида бўладиган сайловга тайёргарликдир.

Икки палатали парламентга сайлов биз учун янги бўлган ижтимоий-сиёсий ҳодисадир. Шу боис у сайловда қатнашадиган гуруҳ ва сиёсий партиялардан жиддий тайёргарликни талаб қилади. Ва яна бир жиҳати шундаки, қуйи палата учун бўладиган сайловда маҳаллий ҳокимият вакиллари бу гал иштирок этмайдилар. Бу ўз навбатида сайловда бирмунча ҳалол рақобатни юзага келтириши мумкин. Айни пайтда сиёсий партияларнинг айримлари пленум ўтказгани, қолганлари ҳам шай эканлиги уларнинг сайловга тайёргарлик кўраётганидан далолат беради.

Сайловнинг қандай ўтишини олдиндан башорат қилиш гарчи бирмунча мушкул бўлса-да, унинг аввалгиларидан анча фарқ қилиши тахмин қилинмоқда.

Сайловнинг қандай ўтиши кўп жиҳатдан унинг ҳуқуқий заминига боғлиқ бўлади. Назаримизда, сайловда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар тайёргарликни ана шундан бошлашлари керак бўлади.

Қонун уларни қай ерда чеклаши мумкин, нима учун ва қандай, дейиладиган саволларга ҳозирданоқ жавоб топишлари лозим. Бу эса сессия муҳокамасига қўйилаётган ана шундай йўналишдаги қонунлар лойиҳаларига жиддийроқ муносабатни талаб қилади.

Сессия муҳокамасига "Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаларининг киритилиши сайловга тайёргарликнинг амалий кўриниши дейиш мумкин.

Демак, сайловга олиб борадиган муддат тобора қисқариб бормоқда. Агар бир сиёсатчининг янги сайловга тайёргарлик олдингисининг тугаган кунидан бошланади, деган ақидасига амал қиладиган бўлсак, сайлов остонамизда турганлигини ҳис қилиш қийин эмас.

МУХБИРИМИЗ

Абадият



Шаъбон ойининг йигирма бешида, торих етти юз ўттиз олтида, сичқон йиликим, ... Каши дилкаш вилоятида, Такина Хотунким, шаръи мутаҳҳара йўсуни била ул амири динпарвар Тарағайбекнинг никоҳида эрди, андин ҳазрат соҳибқирон кун киби зоҳир бўлди.

Йанги бошдин бўлди бир ой ошкор
Бўлди зоҳир дунёда бир номдор.
Инсон суратида ҳар жони жаҳон кун келди,
Ва оламни ҳумоюн мақдами била музаййин қилди.

Шарафуддин Али ЯЗДИЙ. "Зафарнома"

ИҚРОР

Ўтган йилларда эришилган маънавий юксалиш туфайли бобокалонимиз соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг шахси ҳам ўзгача келбат касб этди. Агар бугунги даражада туриб мулоҳаза юритсак, шўро давридаги тасаввурлар чилпарчин бўлиб, бобокалонимизнинг чинакам сиймосини энди таний бошлаганимиз маълум бўлиб қолади.

Бироз орқага қайтиб фикр қилайлик.

Мунозара

"Аллоҳ ягона бўлганидек, ҳақиқат ҳам битта бўлади", дейдилар. Худди шундай, маърифат бобида (агар савод чиқаришни маърифатнинг ибтидоси, деб билсак) ҳам бобокалонимизнинг мавқеларини билиб қўйсак ёмон бўлмайди. Албатта, бу теран масалада мунозарага ўрин қолмаган, жуда кўплаб тадқиқотлар яратилган.

"Заррада қуёш акс этади", деганларидек, шонли ҳаётнинг мана бу жузъи тасаввурларимизни яна ҳам ойдинлаштириши мумкин, деб ўйлаймиз.

Етти йиллик юриш даврида олим Валиуддин Абдураҳмон ибн Халдун Моликий соҳибқирон билан узоқ вақт суҳбатларда бўлади. Шу даврни батафсил ўрганган тарих фанлари доктори Аҳаджон Ҳасановнинг таъкидлашича, ибн Халдун Шарқ тафаккур оламида энг машҳур сиймолардан бўлиб, ўз даврида унга тенг келадиган бошқа зот топилмасди. Яъни у Беруний, Хоразмий, ибн Сино ва бу алломаларнинг замондошлари яшаб, дунёдан ўтган X-XI асрлар ва Мирзо Улуғбек билан бошланувчи иккинчи олтин давргача бўлган оралиқ пайтда яшаган йирик олим эди. Шунингдек, у араблар дунёсида "қозилар қозиси" деб шуҳрат қозонган, Ғарбу Шарқ тарихини ипидан игнасигача ўрганган ва ёзган эди. Алломанинг ўз даврида "Асабия" деб аталувчи назарияси кенг тарқалган бўлиб, унда ватанпарварликнинг табиати, воқе бўлиши ва бошқа унсурлари мукаммал тадқиқ қилинган эди. Ибн Халдун тарихнинг кечиши силсилаларини мантиқий таҳлил қилиб, инсоният тараққиётида етакчилик мавқеи араблар ва форслардан ўтиб, туркийларга етишганини башорат қилганди. Худди шу фикридан келиб чиқиб, ҳижрий 700 йилларда туркийлар оламида одамзод тарихида улкан бурилиш ясай оладиган инсон туғилганини ҳам айтиб берганди (бу сана бобокалонимиз Амир Темур таваллуд топган йилларга тўғри келади).

Тақдир ана шу икки зотни рўбарў қилади. (Бу учрашув 1401 йил февралининг охирларида Дамашқ яқинида рўй беради). Подшоҳ олдида ёқимли лутфлар сўзлашни ўз бурчи, деб билган олим соҳибқиронни алқаб, мақтов гаплар айтади. Ҳазратни улуғ подшоҳлар – Хусрав, Қайсар, Искандар, Бухтаннасар (Валтасар) билан тенг қўйиб таърифлайди. Шунда Амир Темур Бухтаннасарга эътироз билдириб, уни улуғ подшоҳлар қаторига қўшиш тўғри эмаслигини қайд этади. Фикрини исботлаш учун далил келтириб, аҳамонийлардан бўлган Эрон ҳукмдори Кир бостириб кирганда, Бобил давлатининг подшоси сифатида Бахтаннасар душманга қарши курашиш ўрнига қалъага қочиб яширинганини, қўрқоқ ҳукмдорни эса улуғ подшоҳлар қаторига қўшиб бўлмаслигини билдиради. Бу ҳақда Таврот ривоятларида ҳикоя қилинганини айтади. Аксинча, Бобил ҳукмдорларидан Навуходоносор II мамлакат ободлиги, ҳудудларни кенгайтириш ва бошқа ижобий ўзгаришлар борасида кўп иш қилганини таъкидлайди. "Тарихчилар аксарият бу икки шахсни адаштириб келадилар, — дейди Амир Темур, — улуғ подшоҳлар қаторида туришга Навуходоносор II кўпроқ лойиқдир". Ўз илмий салоҳиятига ишонган ибн Халдун Бухтаннасарни ёқлаб турли мисолларни баён қилади, ҳатто солномаларни ёзишда бенуқсон ҳисобланган Ат-Табарийдан далиллар келтиради. Шунда ҳам соҳибқирон ўз фикрида қолади.

Хўш, бу мунозарада ким ҳақ эди: умрини тарих илмига бағишлаган алломами ёки шўро замонида ёмонотлиқ қилинган жаҳонгирми? Эндиликда бу саволга аниқ жавоб бериш имкони бор, чунки тараққиётнинг ҳозирги босқичида тарихда ўтган бир одамнинг шахсига баҳо бериш қулоқни ушлаб кўрсатишдек гап.

Қомуслардан шундай маълумотларни ўқиймиз.

Навуходоносор II (ҳаёт йиллари — эрамиздан олдинги 604-562/61 йиллар) Бобил подшоҳларидан бўлиб, тахтни отаси Набопаласардан қабул қилиб олгач, мамлакат қудратини юксалтириш учун жадал киришди ва бунга эришди ҳам. Кейинчалик у Миср, Сурия, Финикия, Фаластин ва Қуддусни ҳам босиб олиб, катта давлат тузди. Ободончилик ишларига жиддий эътибор берди. Дунёдаги етти мўъжизанинг бири сифатида тилга олинадиган муаллақ Семирамида боғлари унинг даврида бунёд этилди.

(Давоми 2-бетда).

Жараён

ТАЖРИБА МАЙДОНИ

Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банкининг йиллик анжумани бу йирик молиячиларнинг Тошкентга икки кунга келиб кетиши эмас, балки Ўзбекистон иқтисодиётининг кейинги ривожланишини, қолаверса, хусусий секторнинг келажагини белгилаб берадиган муҳим, аҳамиятли воқеадир.

ЕТТБ бошқарув кенгашининг йиллик йиғилиши ва Бизнес анжумани Ўзбекистон учун юқори даражадаги анжуманни қабул қилишдаги илк тажрибаси бўлса, кўплаб журналистларимиз учун ҳам бу каби катта иқтисодий воқеани кузатиб бориш ва ёритиш борасидаги илк фурсатдир.

Матбуот марказининг тақдимот маросими 27 март куни бўлиб ўтди ва шу пайтгача журналистларнинг қанчалик тайёрлиги, тажрибанинг етарлилиги ҳақида дастлабки хулосалар чиқариш учун етарли вақт ўтди.

— Биз тажриба ҳақида кўп гапирамиз. Хорижлик ҳамкасбларимизга, уларнинг бу борадаги маҳоратига, имкониятларига ҳавас қиламиз, — дейди Матбуот маркази раҳбари Шерзод Қудратхўжаев. — Лекин тажриба қаердан пайдо бўлади. Йўқ жойдан тушиб қолмайди-ку. У амалий иш давомида шаклланади. Шу маънода, ЕТТБ йиғилиши ёш журналистларимиз учун катта тажриба майдони бўлади. Улар тезкор ва сифатли ишлашга, эксклюзив ахборотни излаб топиш ва етказишни ўрганишади.

Шу кунгача Матбуот маркази ОАВ ходимларини керакли маълумотлар билан таъминлаш ва мутахассислар билан учраштириш борасида қатор ишларни амалга оширди. Йиғилиш тугагунга қадар қоида тариқасида ҳар пайшанба бу ерда Ўзбекистоннинг ҳукумат, банк ва бизнес идоралари мутасадди раҳбарлари иштирокида матбуот анжуманлари ташкил этилади.

Ўтган пайшанба Матбуот марказининг илк меҳмони — Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари, иқтисодиёт вазири, ЕТТБнинг Ўзбекистондан бошқарувчиси Рустам Азимов бўлди.

Матбуот марказида барча шароитлар етарли. Бевосита анжуман доирасидаги тадбирларда иштирок этиш ниятида бўлган журналистларни аккредитациядан ўтказиш ишлари 4 апрелгача давом этади. Кейин эса Ташқи ишлар вазирлигининг "Жаҳон" ахборот агентлигида йиғилаётган бу маълумотлар ЕТТБнинг Лондондаги бош қароргоҳига юборилиб, бу масала ўша ерда ҳал этилади.

Ҳозирда "Интерконтиненталь" меҳмонхонасида хорижлик журналистлар учун ҳам алоҳида матбуот маркази ташкил этилмоқда. У ерда барча тадбирлар махсус мониторларда бевосита намойиш қилиб борилади ва бу ерда аккредитация қилинган мухбирлар барча ахборот ва қулайликлар билан таъминланади.

Эртага ҳамкасбларимизга яхши таниш бўлган Миллий матбуот маркази биносида жойлашган Матбуот марказида Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Элёр Ғаниев билан учрашув бўлиб ўтади.

Матбуот марказининг телефонлари: 144-25-06, 144-36-32
Факс: 144-36-16
Web-site: www.infobank.uzpak.uz

Динора ДЎЛТАЕВА

Тадбир

ЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН КОНФЕРЕНЦИЯ

Қарши шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суд, Олий хўжалик суди, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамраиси ўринбосари Н. Очиловнинг "Журналистларнинг суд-ҳуқуқ соҳасига ихтисослашиши муаммолари" мавзусидаги маърузаларини тинглаб бўлгач, баҳс-мунозараларга киришилди. Воҳа журналистлари ўзларини ўйлантирган, қизиқтирган саволларни маърузачиларга бериб, уларга тегишли жавоб олишди.

Тадбирда Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси Қашқадарё вилояти бўлими раҳбари Н. Ғозиев, "Ўзбекистон овози" газетасининг Қашқадарё вилояти бўйича мухбири Ю. Узоқов, ЎзА фотомухбири Ш. Шаропов ва бошқа ҳамкасбларимиз ўзларининг савол-мулоҳазалари билан фаол иштирок этишди.

Тадбир хулосасида аён бўлдики, ОАВда баҳсталаб ва танқидий фикрларни бериш билан биргаликда унинг ёнида оппонентнинг ёки соҳа мутахассисининг айни мавзудаги шарҳ ва изоҳларини бериш шунингдек, иккинчи томоннинг мулоҳазаларига ҳам жой ажратиш мақоланинг таъсирчанлиги оширади. Албатта, ҳамкасбларимиз учун жамиятнинг муайян соҳасини, жумладан, суд-ҳуқуқ соҳасини ҳам қойилатиб ёритишдан олдин шу йўналишни чуқур ўрганиш, мавзуда қалам тебратадиган журналистлар ижодий лабораториясидан хабардор бўлиш ҳар томонлама фойдали бўлади.

* * *

"Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни аҳолига етказишда оммавий ахборот воситаларининг роли: муаммо ва ечимлар" мавзусига бағишланган минтақавий илмий-амалий конференциянинг навбатдагиси Нукус шаҳрида бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьяси Генжемурат Пиржанов олиб борган конференцияни Олий суд судьяси Дилбар Суюнова бошлаб берди. Ундан сўнг тадбирда Олий хўжалик суди, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси вакиллари сўзга чиқишди.

"Қарақалпақстан жаслары" газетаси бош муҳаррири Давлатбой Бекбаўлиев журналист кадрлар тайёрлаш муаммоси ечим топганини, бироқ соҳалар бўйича ихтисослашиш масалалари ҳамон очиқ қолаётганини таъкидлаган бўлса, Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси Қорақалпоғистон бўлими раҳбари Жолдасбай Тажетдинов журналистлар учун ўтказилаётган бу конференция ҳамкасбларимиз фаолиятида асқотишига, бундай тадбирларни кўпроқ ўтказиш лозимлигига алоҳида урғу берди.

Илмий-амалий конференцияда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида фаолият кўрсатаётган журналистлар, айниқса, суд-ҳуқуқ мавзусига ихтисослашган ҳамкасбларимиз иштирок этди.

"Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни аҳолига етказишда оммавий ахборот воситаларининг роли: муаммо ва ечимлар" мавзусига бағишланган минтақавий илмий-амалий конференциялар Бухоро, Жиззах ва Андижон шаҳарларида давом этади.

Бахром СОАТОВ

Қадрият

Айём тўйларга уланди

Ўлкамизда Наврўз нафаси кезиб юрган кунларда азалий қадриятларимизга алоҳида эътибор берилаётир. Халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси Қашқадарё вилоят бўлими уюштирган "Хайрия адолат устунларидандир" тадбири ҳам аҳиллик ва хайру саховатни мустаҳкамлашга қаратилган анжуманлардан бири бўлди.

Жамғарма ташаббуси билан кам таъминланган оилаларда тарбияланаётган 31 нафар болаларга либослар тайёрланиб, уларнинг суннат тўйлари ўтказилиб берилди. Болакайларнинг ҳар бирига банкда ҳисоб рақамлари очилиб, 10 минг сўмдан хайрия маблағлари қўйилди.

Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг қўллаб-қувватлаши натижасида жамғарма фаоллари миллий қадриятларимиз акс этган бу каби тадбирларни мунтазам ўтказишни йўлга қўймоқдалар.

Мерос-информ

Натижа

ВИЛОЯТ ПРОКУРАТУРАСИ ПРОТЕСТ КЕЛТИРДИ

ҲОКИМИЯТ ЭСКИ ХАТОНИ ТУЗАТДИ

Газетамизнинг жорий йил 5 февраль сонида "Тошкентвилоятулгуржибиржасавдо" очиқ турдаги акциядорлик жамиятида акциядорларнинг ҳақ-ҳуқуқлари бузилаётгани, Тошкент вилояти Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси томонидан акциядорларнинг манфаатига зид бўлган қарорлар чиқарилаётгани ва бошқа бир қанча ноқонуний ҳолатлар юзасидан **"Бўлди қизиқ ҳангомалар"** деб номланган таҳлилий мақола эълон қилинган эди. Ушбу мақолалар кейин акциядорларнинг ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш юзасидан мутасадди идоралар томонидан бир қатор амалий чора-тадбирлар кўрилди. Сирғали тумани ҳокимлиги собиқ ҳоким томонидан йўл қўйилган хатони тузатди, яъни акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига мувофиқ, ҳокимлик ижроия маҳкамаси ишчи гуруҳининг 6 мартдаги мажлис баённомаси, тақдим этилган ҳужжатларга асосан "Тошкентулгуржибиржасавдо" ОАЖни масъулияти чекланган жамиятга айлантириш тўғрисидаги 2001 йил 12 январдаги қарорини ўз кучида қолдириш борасида жорий йилнинг 24 мартида қарор қабул қилди. Тошкент вилояти прокуратураси Тошкент вилояти Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси томонидан акциядорларнинг манфаатига зид бўлган қарорлар чиқарилаётгани ва бошқа бир қанча ноқонуний ҳолатлар юзасидан "Бўлди қизиқ ҳангомалар" деб номланган таҳлилий мақола эълон қилинган эди. Ушбу мақолалар кейин акциядорларнинг ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш юзасидан мутасадди идоралар томонидан бир қатор амалий чора-тадбирлар кўрилди. Сирғали тумани ҳокимлиги собиқ ҳоким томонидан йўл қўйилган хатони тузатди, яъни акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига мувофиқ, ҳокимлик ижроия маҳкамаси ишчи гуруҳининг 6 мартдаги мажлис баённомаси, тақдим этилган ҳужжатларга асосан барлик қилган. Нафақага чиққач, ўзи туғилиб ўсган Нишбошсой қишлоғида чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалигини ташкил этди. Шу муносабат билан Оҳангарон туман ҳокимининг 2002 йил 19 июндаги қарорига асосан Собир Раҳимов номли ширкат хўжалигидан Абдуғаффор Абдураззоқовнинг "Нишбошсой" фермер хўжалигига 82 гектар лалми ер ажратиб берилди. Ҳамма машмаша шундан сўнг бошланди. Нишбошсойда истиқомат қиладиган аҳоли хавфсизлик чоралари билан кўчиб кетган ерлар "Нишбошсой" фермер хўжалигига берилди. Аҳоли кўчиб кетган пайтда худди шу ерлардаги 7,5 гектар ерни Ангрен кўмир ҳавзаси раҳбарияти ўзбошимчалик билан эгаллаб олган эди. Аслида Собир Раҳимов номли хўжаликка тегишли бўлган бу ерлар бир неча йил Ангрен кўмир ҳавзаси раҳбарларининг ихтиёрида қонунсиз турди. Кўмир кони раҳбарлари бу ерни ўзлари учун боғ-ҳовли қилишга киришганларида ҳам "Ахир, бу ернинг эгаси бўлса керак, ҳеч бўлмаса, хўжалиги ҳам бузмадилар. Абдуғаффор эса ўзига ажратилган ер масаласи бўйича бир неча бор корхона раҳбари Владимир Иосифович Боднарга учради. Бироқ натижа чиқмади. Бу орада кўмир кони раҳбарлари мазкур ерни, яъни ўзлари ноқонуний эгаллаб олган ерни кўмир кони ихтиёрига ўтказишни илтимос қилиб мурожаат қилди. Бироқ Оҳангарон тумани ҳокими бу илтимосни рад қилди. Абдураззоқов эса қонуний ерини қайтариб олиш учун Оҳангарон туман прокурорига, туманлараро фуқаролик судига, Ангрен шаҳар ҳокимига, хуллас, бу ер билан алоқадор бўлган барча ташкилотларга бораверириб, сарсон-саргардон бўлмоқда. Бироқ Ангрен кўмир кони раҳбарлари ноқонуний эгаллаб олган 7,5 гектар ерини қайтариб беришдан бош тортмоқда.

Абдуғаффор Абдураззоқовнинг "Нишбошсой" фермер хўжалигига берилган 82 гектар ернинг мана шу 7,5 гектари умумий ер майдонининг 281-контурида бўлиб, у "Ўздаверлойиҳа" институти томонидан тасдиқланган ҳаритадан ҳам "Нишбошсой" фермер хўжалигига тегишли эканлиги алоҳида кўрсатилган. Булардан ташқари, Оҳангарон туман ҳокимининг 2002 йил 10 июндаги 229-сонли қарорида, Собир Раҳимов номли ширкат хўжалиги умумий йиғилишининг 2002 йил 16 апрелдаги 2-сонли қарори ва мутахассислар хулосасида, "Ўздаверлойиҳа" институтининг 2002 йил 7 ноябрдаги 72-01/1 178-сонли хулосаси асосида тасдиқланган ҳаритаси билан ҳам мазкур 7,5 гектар ер "Нишбошсой" фермер хўжалигига тегишли эканлиги тасдиқланган. Бироқ Ангрен кўмир ҳавзаси директори В. Боднар эса бу ҳужжатларни тан олгиси келмаяпти. Абдуғаффор Абдураззоқов шунча югур-югурлардан сўнг чарчади шекилли, Ангрен кўмир кони раҳбарининг олдига бориб, бошқа бир маслаҳат солди:

— Майли, шу ерлар сизларга бўлақолсин. Лекин сизлар менга битта кичкинагина молхона қуриб беринг. Ана шундан мана шу савил 7,5 гектар сизларга қолади.

Аммо Боднар жаноблари бу гапларни эшитишни ҳам истамади.

Ангрен кўмир кони ҳавзаси раҳбарлари зўравонлик билан эгаллаб олган мана шу 7,5 гектар ер нимаси билан ажралиб туради? Бу ерда сув бор. Атрофи паст-текислик. Бу ерда паррандачилик ривожи учун имкониятлар етарли. Қолган ерлар эса фақат тоғли яйловлардангина иборат, мол боқишдан бошқа нарсага ярамайди.

Мен ушбу мақолани тайёрлашда Ангрен шаҳри кўмир кони ҳавзаси раҳбари Боднар жанобларига учрамоқчи бўлиб, унинг қабулига бордим. Аммо у киши "қандайдир бир мухбир билан учрашиш" учун вақт тополмадилар. Ҳайрон бўласиз: Ангренда қачонгача зўравонлик ҳукм суради? Ёки бу ерда одилликнинг оғзига пахта тиқилганми?

Мўмин ҚАЮМ, журналист

Муаммо

Одилликнинг оғзига пахта тиқилганми?

"Нишбошсой" фермер хўжалиги раиси Абдуғаффор Абдураззоқов ўзига тегишли 7,5 гектар ерни ололмай сарсон...

Абдуғаффор Абдураззоқовни Оҳангаронда кўплар танишади. Узоқ муддат туман режалаштириш ва маҳсулотлар сифати бошқармасига, бир қатор хўжаликларга раҳдан сўрайлик", деган андишага ҳам боришмади. Мазкур ерлар ҳоким қарори билан Абдуғаффор Абдураззоқовга берилгандан сўнг ҳам кўмир кони раҳбарлари пи-

Таҳлил

ШИКОЯТ КЎ-Ў-ЎП, ВАҚТ КАМ

Сўзимиз аввалида айтиб ўтмоқ жоиз: шубҳасиз, бугунгача ҳукумат, ички ишлар, ҳуқуқ ва тартибот, ўз-ўзини бошқариш органлари томонидан кенг кўламли, эътирофга лойиқ ишлар амалга оширилди. Нафақат пойтахтда, балки республиканинг чекка-чекка ҳудудларида ҳам фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва бурчларини тўла-тўкис англаб етишлари борасидаги саъй-ҳаракатлар бир зум бўлса-да, тўхтаб қолаётгани йўқ. Айниқса, сўнгги йилларда суд-прокуратура соҳасида кузатилаётган бир қатор ислоҳотлар натижасида фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги шаклланиб бораётгани қувонарли. Ўзингиз ўйланг, авваллари оддий хизматчининг раис ёки ҳоким буванинг устидан судда даъво қўзғаши мумкинлиги ёш болага айтилган чўпчакдай гап эди. Энди бўлса, бу ҳол ҳеч кимни ажаблантирмаяпти. Бу — яхшилик аломати, албатта. Бироқ беш қўл баробар эмас: ўз ҳақ-ҳуқуқи поймол этилаётгани, турли ваколатли идоралар ходимларининг сансолорликка, баъзида ортиқча расмиятчиликка зўр бераётганлари юзасидан оммавий ахборот воситалари орқали дардини баён қилиб, "ёзувчи" деган ном орттириб олаётганлар сони ҳам оз дейсизми? Пойтахтга келгунича қўлдан-қўлга ўтавериб, бир ҳолатга келган суд ҳукмларию ажримларини қўйнига қисиб, фалон таҳририят эшигини соатлаб пойлаб ўтирганлар-чи?! Бири судьядан, яна бири прокурордан, бошқа бирови эса мелиса ва шунга ўхшаш мансабдордан ёзғиради.

Хўш, таҳририят бундай норизо фуқароларга нима қилиб бера олади? Матбуот — фикр айтиш минбари. Агар муаммо ўз жойида ечимини топганда эди мухбирга иш қолмаган бўлармиди! Демоқчимизки, журналист бор ҳолатни жамоатчиликка етказади, холос. Масалага қонуний нуқта қўйиш мутасаддиларга тан. Демак, гап матбуотга бўлган муносабатнинг нечоғлилигида қолган.

"Ҳуррият" мустақил газетаси таҳририятига келган шикоят хатлари сақланувчи "папка" анчайин семириб қолгани ҳам юқоридаги фикрларимизнинг кичик исботи. Йил бошидан буён ўнлаб ана шундай хатлар олинди. Уларнинг ҳар бири билан тўлиқ суриштирув ишларини олиб бориш учун эса вақтимиз ҳам, имкониятимиз ҳам бироз чегараланган. Лекин булар орасида турли вилоятлардан, қишлоғу шаҳарлардан йўлланган айрим хатларга эътибор қаратмасликнинг сираям иложи бўлмади. Боз устига, бундай эътиборсизлик матбуотга умид билан боқиб турган газетхонлар кўзига чўп суқмоқнинг ўзгинаси, деб билдик.

"Газетангиз фақат адолат томонида эканлигини эшитганим учун ҳам сизлардан нажот кутиб, мурожаат қиляпман. Гап шундаки, менинг ўғлим — Нодирбек Обидовни қуруқ тухмат билан 10 йилга озодликдан маҳрум қилишди. Аслида қилмаган ўғирликни уриб-қўрқитиб, унинг бўйнига қўйишди... Ҳатто суддагиларнинг ўзи ўғлимнинг тухматга қолганига шаъма қилишяпти".

Бу жумлалар Сирдарё вилояти, Ховос тумани, "Фарҳод-5" даҳаси, Навоий кўчасидаги 6-уй, 8-хонадонда истиқомат қилувчи Адолатхон Ҳайитқулованинг адолат истаб ёзган хатидан айнан кўчирма. Албатта, бу кўчирмани ўқувчилар эътиборига ҳавола этиб, қолаверса, фақат даъвогарнинг муносабати билангина чекланиб, юқорида қайд этилган манзилдаги ҳуқуқий идораларга таъна тошини улоқтиришдан бирмунча йироқдамиз. Бироқ на чора: дарахт шохининг қимирлаши шамолдан дарак...

Самарқанд вилояти, Каттақўрғон туманида яшовчи Тожиев Ўринбой (2-гуруҳ ногирони) ҳамда турмуш ўртоғи Бекова Шаҳлохон (3-гуруҳ ногирони) имзолари қўйилган шикоят хатида ёзилишича, турмуш қурганларига 5 йилдан ошган бўлса-да, ҳалигача хўжалик томонидан уй-жой қуриш учун ер ажратилмаган. Ачинарлиси, ушбу масала юзасидан хўжалик, туман, ҳатто вилоят раҳбарлари эшигини қоқа-қоқа бирор бир натижага эриша олмаганлар. Аҳвол шу даражага бориб етганки, **"Фалончига учранг, бунақа майда ишлар билан ўша шуғулланади"** ёки **"Бу менинг ваколатим доирасида эмас"** қабилидаги гапларни эшитавериб, ўрганиб ҳам қолишган.

> ● *"Ўғлимни қуруқ тухмат билан 10 йилга озодликдан маҳрум қилишди"*
> ● *"Фалончига учранг, бунақа майда ишлар билан ўша шуғулланади"*
> ● *"Мактаб учун ўз ҳисобимдан 7 миллион 500 минг маблағ сарфлаганимга қарамасдан ишдан бўшатишди"*
> ● *"Ўтган асрнинг биринчи ўн йиллигида барпо этилган Қибрайдаги бинода мингдан зиёд талаба таҳсил олишмоқда"*

Оилада вояга етаётган 2 нафар фарзанднинг соғлом тарзда ўсиб-улғайиши, келажакда улар ҳам юртнинг гуллаб-яшнаши учун жонбозлик кўрсатишлари мумкинлигини хўжалик раҳбарларига эслатиб қўймоқчи бўлганимиз айб саналмас.

Вилоятнинг Оқдарё тумани, "Бобур" номли ширкатлар уюшмаси ҳудудида жойлашган Муллақўрғон қишлоғида яшовчи, 28-ўрта мактабнинг собиқ директори Нурқосим Қаюмовнинг шикоят хатидан: **"1998 йил 15 июндан бошлаб менга 28-ўрта мактаб директорлигини ишониб топширишди. Ўшанда мактабда 916 нафар бола синф хоналари етишмаслиги туфайли уч сменада таълим олишаётган эди. Оилавий шароитим бир қадар яхшилиги, деҳқончиликдан дурустгина даромад қилиб келаётганимиз боис эҳтиёжимиздан ортган маблағни "савоб бўлар-ку", деган илинж билан мактаб қурилишига сарфлаб, 24 та ўқув ҳамда битта мониторинг хонаси, 2 та қоровулхона, 410 метр узунликда девор, 2 та сув насоси, 42 та ўқув хоналаридаги иситиш тизимини таъмин этдим. 3 та газ ҳисоблагичлари ўрнатдим. Мактаб биноларининг усти тўлалигича шифер билан ёпилди. Булар учун ўз ҳисобимдан 7 миллион 500 минг маблағ сарфлаганимга қарамай, туман халқ таълими мудираси Ш. Нурматова мактабимизга келиб, "меҳнат таътили бериш ва таътилдан сўнг ишдан бўшатишларини сўраб" мазмунида ариза ёздириб олди..."**

Ушбу шикоят хатига изоҳ беришни Оқдарё тумани раҳбариятига қолдириб, хатжилдига "Тошкент вилояти, Қибрай туманидан" деб ёзилган хатга бир қур назар ташласак.

Мазкур хатда айни шу манзилда жойлашган Тошкент ўрмон мелиоратив техникумининг анчайин аянчли аҳволи, хусусан, ўқув биноларининг таъмирга ўта муҳтожлиги, хоналарда ўқув жиҳозлари етишмаслиги, ўқитувчи ва талабалар томонидан ички тартиб қоидаларининг қўпол равишда бузилаётгани, билим юрти ҳудудида зўравонлик ҳоллари урчиб кетгани баён қилинади. Гап бугунги ёшларимизнинг билим олишлари учун етарли шарт-шароит яратиб бериш хусусида борар экан, аҳволни чуқурроқ ўрганиб ҳамда баъзи мутасадди раҳбарлар билан суҳбатлашиб, ана ундан кейин бирор бир тўхтамга келиш мақсадида билим юрти ҳовлисига кириб бордик.

Шикоят хатида ёзилганича бор экан. Бинонинг ташқи кўриниши шу қадарки, дабдурустдан хаёлимиздан кечган фикр шу бўлди: мана шундай ачинарли ҳолатга тушиб қолган жойда ишлаётганларнинг ҳам, ўқиётганларнинг жонига тўзим берсин!

Гумбаз ойналари йўқ, бори ҳам тўкилиб тамом бўлаёзган, 1913 йилда барпо этилган бу бинонинг ички кўриниши кўнгилни янада хира торттиради. Бу ерда томнинг бир чети (1 метр квадрат атрофида) тешик бўлиб, ундан чакка тугул қор-ёмғир ҳам бемалол ўтиб тураверади. Бир вақтлар бино ҳуснига ўзгача салобат қўшиб турган гумбаз бугунга келиб, мусичаю каптарларнинг "қароргоҳ"ига айланиб улгурган. (Дарвоқе, туб аҳоли бу ерни "каптархона" деб аташади — Д. П.)

Энди, билим юрти ҳудудида зўравонлик кучайгани ҳақида икки оғиз: кўрсангиз, ўқув бинолари ўртасидан транспорт қатнови учун қурилган асфальт йўли ўтган. Алқисса, ўқув юрти ҳудудини ўраб олишнинг имкони йўқ. Шундай экан, бедарвоза шаҳарга ўғри ҳам, тўғри, ҳам кираверишни мумкин-да! Буёғи катта кўча бўлса...

Мавжуд муаммолардан мутасаддиларнинг ҳам хабари бор, албатта. Лекин ҳеч ким моддий ёрдам кўрсатмаганидан кейин техникум раҳбарияти ўз ҳисобидан бинони таъмирламоқчи бўлишибди-ю, "эскини тузатгунча эсинг кетади" деган мақолни эслаб, иккиланиб туришибди экан. Ўқитувчилар билан ўзаро суҳбат давомида бизнинг бу ташрифимиз биринчи эмаслиги, аввал ҳам турли ваколатли ташкилотлар ходимлари ҳам ўн уч марта келишиб, бирор бир каромат кўрсата олмаганларини эшитиб, хижолат тортдик.

Билганлар айтишдики, айни вақтгача техникум директори лавозимида ишлаб келган Т. Мирзатоев бир вақтлар вилоят кенгаши депутати бўлган экан. Ён-атрофдагилар у кишига ишонаркан, лозим топишса, суянишаркан. Ҳатто техникумнинг учинчи корпусини ўз киссалари ҳисобига капитал таъмирдан чиқарган, дейишади. Мавжуд аҳволни ўнглаш масаласи бўйича бир неча бор тегишли идораларга учраб, ниҳоят, реконструкция режасига шу техникумни киритишни ҳам уддалабди. Энди бўлса, "ёзди-ёзди", "текшир-текшир"лардан тамоман безиб, ишдан бўшаётганлиги боис билим юртини Ў. Норалиев вақтинча бошқариб турибди экан.

Турган гапки, иш бор жойда камчилик мавжуд. Демак, Тошкент ўрмон мелиоратив техникумидагилар ҳам ишлашяпти. Яйдоқ далага чиқиб олиб, лайлак ҳайдашаётганлари йўқ. Фақат уларга о-озгина бўлса ҳам амалий ёрдам зарур. Фалончининг устидан фалон жойга шикоят хати боргани эмас, эртанинг эгаларига яратилган, тўғрироғи, яратилмаган шароит, боз яна, юртимизда айнан ўрмончилик соҳасига ихтисослаштирилган бундай билим юртининг ягоналиги муҳимроқ бу ерда.

Хабаримиз бор — жойларда янги-янги замонавий, қасрмонанд академик лицейлар, коллежлар қурилаяпти. Мазкур техникумдагилар ҳам ваколати борлиги қўлидаги "папка"сиданоқ аён бўлиб турган мутасаддиларнинг турли-туман саволларига ҳадеганда жавоб бераверишдан кўра, ана ўшандай бинога эга бўлишни хоҳлашади. Бу ердаги талабалар ҳам эшигига аллақачон занглаб улгурган қулф осиб қўйилган ошхона, битта столи ва суянчиқсиз стули, сувоғи кўчиб, шўр босиб кетган деворидан бўлак ҳеч вақоси (ҳаттоки, тиббиёт ходими ҳам — Д. П.) йўқ тиббий хизмат кўрсатиш хоналаридан кўра, замонанинг энг сўнгги русумдаги компьютерлари билан жиҳозланган, кенг ва шинам спорт заллари, майдонлари мавжуд бинода таҳсил олишни исташади. Қани энди уларга ҳам қуриб берилса ўшандай бино. Ана шунда кўрасиз уларнинг ғайратинию шижоатини.

Қаранг, Самарқандда мактаб учун манаву-у-унча пул сарфлаган одамни ҳе йўқ-бе йўқ ишдан бўшатишади-ю, пойтахтдан атиги 25-30 км узоқликдаги техникумнинг аҳволи ҳеч кимни қизиқтирмаса-я?!

Хуллас, мана шунақа гаплар...

Давлатжон ПОЛВОНОВ,
"Ҳуррият" мухбири

ИҚРОР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бухтаннасар (Валтасар) ҳам (вафоти — эрамиздан олдинги 538 йил) Бобилнинг сўнгги подшоси Набониднинг ўғли бўлиб, ҳақиқатан форслар бостириб кирганда қалъа ичига кириб яширинади ва ҳарбий лашкарбоши Угбару томонидан ўлдирилади. "Инжил"да бу воқеалар нақл қилинган. Валтасар Белшарусура деган ном билан тилга олинади, ўлимининг башорат қилингани, уни Гобрий ўлдиргани айтилади ва Даниил пайғамбар китобида "Валтасарлар базми" ҳикояси келтирилади.

Маълум бўладики, ибн Халдун билан мунозарада ҳақиқат Амир Темур тарафида экан. Мана шу кичкина унсурнинг ўзиёқ бобокалонимиз заковатининг нақадар буюклигидан далолат бериб турибди.

Умуминсоний қадрият

Орадан етти асрга яқин вақт ўтди. Инсоният бу даврда мислсиз кашфиётлар қилди: янги моддалар яратилди, космосга парвоз, ойга қўниш, радио, телевизор, компьютер...

Хуллас, XXI аср одамини унча-бунча нарса билан қойил қолдириб бўлмайди. Таассуфки, ана шундай мислсиз ихтиролар даврида ҳам фахрли аждодимиз Амир Темур ҳазратлари амалга оширган ишлар, ул зотнинг "мўъжиза"лари инсониятни ҳамон ҳайратга солиб келмоқда. Бунга соҳибқироннинг 660 йиллик тўйлари муносабати билан 1996 йилда ўтказилган халқаро илмий анжуман ишини кузатиб, яна бир марта иқрор бўлган эдик.

... Минбарга АҚШдаги Атлантик кенгаши халқаро хавфсизлик дастурининг ўша йиллардаги директори, генерал, бунинг устига профессор Ричард Нельсон таклиф қилинади. Баланд бўйли (менимча, у иштирокчиларнинг энг дарози эди), қўрғошиндан қуйилгандек қотма гавдали меҳмон микрофонга яқинлашади ва худди қўшинга қўмонда бераётгандек шахдам овоз билан ўз тилида лутф қилади, пошналарини уриштириб, қўлини чаккасига олиб боради. Таржимон унинг гапларини ўгиради:

— Мен — ҳарбийман. Мен буюк Темур қаршисида салют беришни ўз бурчим, деб биламан.

Зал қалқиб кетади. Нотиқ сўзини бошлайди. "Темур ҳарбий стратег ва геополитик сифатида. Замонавий талқин" деб номланган бу маърузада муаллиф бобокалонимизга нисбатан шундай меҳр билан гапирдики, унинг ҳар бир сўзини ҳаяжонсиз тинглаб бўлмасди. Чунки замонавий ҳарбий мутахассис сифатида Амир Темур эришган мислсиз ғалабаларни таҳлил қилар экан, соҳибқироннинг жанговар санъатини бор овоз билан улуғлади, ул зотни "тенги йўқ ҳарбий саркарда" деб атади. Бобомиз қўллаган минглаб муҳораба унсурларидан бири ҳақида тўхталиб, шундай деди: "Темур "қулай позицияни эгаллаган минг жангчи ноқулай жойлаштирилган ўн минг жангчидан кучли", деб ҳисоблаган". Ёки "Жанг майдони унинг учун назорат эмас, ҳаракат майдони эди. Темур ички туйғу билан агар 74 ёшдан ошса ва Хитой юришида ғалаба қозонса, Уралдан Тинч океанигача бўлган минтақанинг ягона ҳукмдори бўлишини сезган эди. Ғолиблик Темур стратегиясининг ўзаги бўлган". Шунингдек, бобокалонимизни Чингизхон билан таққослар экан, "Темур Чингизхондан фарқ қилиб, юришларига чаққонликка асосланган режалар тузувчи мавҳум стратег эмас, балки ўзининг ғалабага бўлган ички ишончини мавҳум режаларга омухта қила олган фаол, ҳақиқий стратег эди", деб хулоса қилади. Амир Темур яшаган даврдаги дунё цивилизациясини таҳлил қилиб, Ричард Нельсон буюк давлат арбобининг тараққиётнинг турли босқичлари — бир қисми кўчманчи, яна ярим ўтроқ, шаҳар маданияти ҳам бор бўлган, турли миллат ва динга мансуб улкан ҳудудда ягона маданиятни барпо қила олганига чинакам ҳайратини изҳор этади: "Темур ягона империя маданиятини зўрлаб тиқиштирмади, балки турли маданиятлар ўзаро таъсири ва киришиб кетишига йўл очиб бериб, ҳозиргача амал қилиб келаётган "Евроосиё сулҳи" ғоясини стратегик жиҳатдан шахсан асослаб берди. Бу билан у инсоният тараққиёти ибтидосидан бери амалда бўлган "Цивилизациялар зиддияти" деган қарашга биринчи бўлиб зарба берди"...

Шу тарзда америкалик ҳарбий тадқиқотчи бобокалонимиз ҳаётининг ҳали кўпчиликка унча таниш бўлмаган қирралари ҳақида тўлиб-тошиб, самимий нутқ ирод этди.

Маъруза поёнига етгач, сомеъларга тикилиб қаради, ярим қадам тисарилиб, яна шахдам овозда нималар деди-да, пошналарини уриштириб, қўлини чаккасига қўйди. Жаноб Нельсон буюк аждодимиз олдида яна бир марта ҳурматини бажо этиб, гулдурос қарсаклар кузатувида минбарни тарк этди.

Океан ортидан ташриф буюрган ҳурматли меҳмоннинг соҳибқирон юртида, унинг авлодлари ҳузурида ўзини бундай тутишини кучли ҳаяжон, ички ҳурмат туфайли, деб тушундик. Юқори маълумотли америкалик жанобнинг эса унча-бунча нарсадан ҳаяжонланмаслиги тайин.

Анжуманда дунёнинг энг йирик 27 мамлакатидан машҳур олимлар ташриф буюрганди. Бизнингча, бунақаси бўлмагандир. Боз устига изҳор қилинган меҳрни айтмайсизми?!

Сўз Германиядан келган Триер университетининг профессори Клаус Пандерга берилади. Меҳмон маърузасининг сарлавҳасиёқ у нима демоқчи бўлганини айтиб турибди: "Амир Темур ва унинг мероси: фақат Ўзбекистон учун муаммо эмас". Жаноб Пандер ўзи юртида тузиб эълон қилган "Марказий Осиё" йўлкўрсаткичи Амир Темур ватанида яшовчи халқлар маданиятини дунёга тарғиб қилишда хизмат кўрсатаётганидан қувончини яширмади. Маърузасида бобокалон ҳаётининг шонли қирралари устида тўхталар экан, у давр бутун инсониятнинг ёруғ кунлари эканини, Амир Темур дунёвий муаммоларни бартараф этиш учун ғойибдан юборилган куч бўлганини очиқ тан олди. Фикрини давом эттириб, ўз майлларини шу тарзда ифодалади: "Ер юзида экологик танглик юзага келган, миллатлар ўртасида низолар кучайган, ишлаб чиқариш самарадорлиги муттасил пасайиб бораётган ҳозирги шароитда ҳам Амир Темур бўлганда, барча муаммоларга ечим топарди"...

Авлодлар таъзими

Рости, ўшанда бундай эътирофлар жуда кўп айтилганди. Ҳароратли лутфлар нуроний алломалар, назокатли хонимлар, шу мероснинг ворислари томонидан қайта-қайта такрорланганди. Уларнинг барчаси Амир Темур ҳазратларининг XX асрдаги иқрори эди.

Ўша илмий анжуманда нутқ сўзлаган Президент Ислом Каримов Амир Темур даври ва буюк тарихий шахс маънавий меросининг ҳозирги замондаги аҳамияти хусусида ёркин фикрлар изҳор этганди. Тўла ҳуқуқ билан айтилган "Амир Темур фахримиз, ғуруримиз" деган сўзлар халқимиз қалбидаги асрий орзуларнинг, меҳрнинг ифодаси каби янгради. Эндиликда шарафли аждодимизнинг муборак номи, ҳаётий фаолияти алоҳида шахс тушунчаси доирасидан чиқиб, бутун халқнинг, миллатнинг рамзига айланиб кетди. "...Кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак" деган сўзлар бизнинг маънавиятимизда қарор топаётган ўтмиш билан келажакнинг узвийлиги, халқимизнинг буюкликка дахлдорлиги, истиқлолимизнинг моҳияти ва эртанги кунимизнинг қиёфасига шаҳодатнома бўлиб қолаверади.

... Вақтнинг тез ўтишини қарангки; бобокалонимизнинг 660 ёшини нишонлаганимизга ҳам қарийб етти йил бўлибди. Бироқ миллатнинг ўзини қайта тасдиқлаши наҳорида зоҳир бўлган ифтихорнинг оҳори юз йиллар ўтса ҳам жозибасини йўқотмайди.

Ҳаким САТТОРИЙ

Тадқиқот

ҚАЙСИ ПАРТИЯ ТАНИҚЛИ?

Сўралганларнинг 57,7 фоизи ХДПни, 49,2 фоизи ФМДПни, 36,3 фоизи АСДПни, 30,2 фоизи МТПни билишини айтган.

"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг 2002 йил декабр-2003 йил январ ойларида Ўзбекистоннинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри фуқаролари орасида "Ўзбекистон: жамоатчилик фикри — 2002" сўровномасини ўтказди. Сўровномада аҳолининг барча қатламлари — шаҳарлик ва қишлоқлик эркаклар ва аёллар, ҳар хил ёшдаги кишилар ва турли миллат вакиллари, турли маълумот даражасидаги кишилар иштирок этишди.

Одамларнинг ўзи яшаб турган мамлакатга бўлган муносабати ва баҳосининг муҳим ижтимоий индикатори — миграция ҳисобланади. Жамоатчилик фикри сўрови шуни аниқладики, сўралганларнинг 81,5 фоизи Ўзбекистон Республикасидан бошқа давлатга доимий яшаш учун кетишни хоҳламайдилар.

Сўралганларнинг 29,4 фоизи эса пул ишлаб келиш мақсадида бошқа давлатга бориш хоҳишини билдирганлар.

Ушбу социологик тадқиқот жараёнида фуқароларнинг давлат сиёсий қурилишига бўлган қизиқишлари ва баҳолари ҳам аниқланди. "Сиз сиёсатга, яъни давлат бошқаруви масалалари, ички ва ташқи сиёсат, сиёсий партиялар фаолиятига қай даражада қизиқасиз?" деган саволга сўралганларнинг жавоби қуйидагича тақсимланди: "Жуда қизиқаман" — 21,6 фоиз, "Қизиқаман, лекин унчалик эмас" — 31,8 фоиз, "Умуман қизиқмайман" — 46,6 фоиз.

Фуқароларнинг сиёсатга бўлган қизиқиши нимада аниқроқ кўринади? Сўралганларнинг аксарият қисми учун (58,1 фоиз) сиёсатга қизиқиш уларнинг доимий равишда телевидение орқали ижтимоий-сиёсий масалаларга доир кўрсатувларни кўриб боришида ифодаланади. Уларнинг 22,0 фоизи барча сиёсий ҳодисаларни оила даврасида, иш жойида ҳамкасблари билан муҳокама қилишади. 19,9 фоиз сўралганлар сиёсатга юқори қизиқиш билдиришади, сиёсий партиялар, ҳаракатлар ва жамоат ташкилотларининг аъзолари ҳисобланадилар.

Тадқиқотнинг кўрсатишича, Республикамиз фуқаролари мамлакатимиздаги сиёсий партиялар фаолияти ҳақида етарлича тасаввурга эга эмаслар. Сўров натижасида аниқланишича, ХДПни 57,7 фоиз ва "Фидокорлар" партиясини 49,2 фоиз билишади. "Адолат" партияси (36,3 фоиз) ва "Миллий тикланиш" партияси (30,2 фоиз) фаолиятлари ҳақида аҳоли кам маълумотга эга. Ундан ташқари, фуқароларнинг фикрига кўра, Республикадаги мавжуд сиёсий партиялар дастур-мақсадлари орасида деярли фарқ сезилмайди. Республика аҳолисининг учдан икки қисми шундай фикрда.

Сўров натижаларига мувофиқ фуқароларнинг мутлақ аксарияти фуқароларнинг қонун олдидаги тенглиги ва инсон ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланадиган демократик жамият тарафдоридирлар.

63,8 фоизи ўз фуқаролик ҳуқуқлари ҳақида хабардордирлар. Маълумот даражаси қанчалик юқори бўлган сайин ўз ҳуқуқий билимига бўлган ижобий муносабат юқори ва ўзига нисбатан танқидий баҳо кўрсаткичи пастдир. Маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистон фуқаролари энди-энди ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларини ўзлаштирмоқдалар. Демак, "Агар сизнинг ҳуқуқингиз бузилса, поймол этилса, сиз нима қилган бўлар эдингиз?" деган саволга фақат 3,6 фоиз респондентлар адвокатга ёрдам сўраб мурожаат қилишлигини айтишган. Адвокатура инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш институти сифатида фуқаролар орасида алоҳида эътибор ва ишончга сазовор эмас, балки бу адвокатлар ишининг сифат даражаси пастлиги ва хизмат ҳақининг анча юқорилиги билан ҳам белгиланар. Агар респондентларнинг ҳақ-ҳуқуқлари бузиладиган бўлса, уларнинг аксарият қисми ёрдам учун маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларига (маҳалла қўмиталари, қишлоқ фуқаролар йиғинлари), суд ва прокуратурага, шунингдек, Омбудсманга мурожаат қилишини билдиришган.

Мутлақ аксарият респондентлар учун давлатнинг ички ҳаёти ва дунё воқеаларини билиш учун асосий ахборот манбаи Республика давлат телевидениеси ҳисобланади. Радиоэшиттиришлар эса ундан кўра камроқ оммавийликка эга, яъни сўралганларнинг фақат ҳар 5 таси доимий равишда радио тинглаб боради. Умумий сўралганларнинг тўрттадан кўпроғи вақтли матбуотга паст даражада қизиқишади. Шуниси ўзига хоски, Республика ОАВ томонидан тақдим этилаётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаёт ҳақидаги маълумотнинг сифати ва тезкорлигидан сўралганларнинг учдан biridan камроғи тўлиқ қониқиш ҳосил қилади.

Мактуб

ҚОТИЛ КУЁВ

ёки милиционер эр хотинини ёқиб юборганлиги хусусида

Фарзанд доғи ҳеч кимнинг бошига тушмасин экан. Бу дард инсонни куйган сари куйдирадиган, юрак-бағрини ўртаб, тилка-пора қиладиган азобдир.

Уни фақат бошидан кечирганларгина билади.

Қизим Нозила Муҳаммадазизовани 1999 йил октябрь ойининг 23 куни турмушга бердим. Ўша вақтда куёвим Баҳром Собиров Тошкент шаҳар ИИБ қарашли ППХ бўлимида милиция сержанти бўлиб ишларди.

Қизим жуда оз вақт — бор-йўғи икки ярим ойча яхши ҳаёт кечирди. Кейинчалик куёвим ҳеч қандай сабаб-асоссиз жанжал чиқарадиган, қизимни хўрлаб, уриб ҳақоратлайдиган одат чиқарди.

Кечагидек ёдимда — 2000 йил 1 январь куни куёвим ва қизим ота-онамни кўргани болалик ҳовлимизга келишганди. Байрам баҳона бир оз ўтиришгач, кечга яқин уйларига қайтишди. Эртасига соат 5 дан ўтганда қизимни куёвим Қибрай туман шифохонасининг гинекология бўлимига ёткизгани, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, оилавий шароитини пеш қилиб тилхат ёзиб, қизимни шифохонадан олиб кетгани ҳақида эшитдим.

Ўша куни ишдан келсам, қизим уйимда йиғлаб ўтирибди. Хотинимнинг айтишича, қизимнинг қорнининг пастки қавати қаттиқ оғриётган экан. Дарҳол шаҳар касалхонасида ҳамшира бўлиб ишлайдиган қўшнимиз Комилани чақириб, тиббий ёрдам кўрсатишини илтимос қилдик.

Қизим бечора эридан қўрқиб, бизга калтаклангани ҳақида айтмаган экан. Тўғрироғи, бу ҳақда оғиз очсанг, ўлдираман, деб эри қўрқитиб қўйган экан. Эртасига қизимни яна шифохонага олиб бориб, жарроҳга кўрсатдим. Маълум бўлишича, қизим ҳақиқатдан ҳам кучли тепки зарбидан шикастланган экан. Ўшанда доктор ҳозироқ бу ҳақда милицияга хабар бериб, жиноий иш қўзғатишини айтганда, ундан бундай иш қилмасликни илтимос қилдик. Биз ўшанда, унинг ҳамма қилмишларини кечириб, яхши томонга ўзгаришига ишонгандик. Янглишган эканмиз.

Аслида ўша пайтдаёқ бундай куёвнинг баҳридан ўтиб қўя қолсак бўларкан.

Кўнгилбўшлик қурсин, унинг қизимга бўлган зулми кучайса-кучайдики, асло сусаймади.

Ўша йили апрель ойларида қизим билан куёвим алоҳида яшаса, бир-бирига балки ўрганиб, суяниб қолишади, деб ўйлаб, уларга алоҳида уй олиб беришга келишдик. Қудаларимнинг розилигини эшитгач, Чирчиқ шаҳар, Спортчилар кўчаси, 30-уй, 51-хонадонни сотиб олиб, қизимнинг номига расмийлаштириб бердим. Шунда ҳам куёвим қизимни хўрлашни давом эттираверди. Бор баҳонаси шу — нима учун отанг уйни менинг номимга расмийлаштириб бермади? Қизим ўша кезлари ҳомиладор эди. Калтак зарбидан азобланиб, чидай олмай, уй деразасидан тушиб, меникига қочиб келибди. Яна қизимга дўқ уриб, сени ҳам, ота-онарингни ҳам отиб ўлдираман, деб сўкинибди. Жаҳлим чиқиб, эртасига куёвимнинг ишхонасига бориб, бу ҳақда ходимлар бўлими бошлиғига мурожаат қилдим. Кечқурун уйимизга командири, милиция майори Насим ака Султонов Баҳромнинг ота-онаси билан келишди. У бор айбини бўйнига олиб, ҳаммадан кечирим сўради, хотинини энди уриб, сўкиб хўрламасликка сўз берди. Бу ҳақда тилхат ҳам ёзиб берди.

Энг ачинарлиси шундаки, Баҳромнинг ота-оналари — қудаларимиз: "Ҳеч гапдан хабаримиз йўқ, билмай қолибмиз" деб, ўзларини олиб қочдилар. Қизим 2000 йил 25 июнда биринчи фарзандли бўлди. Ундан кейин 9 август куни Нозилани ярим тунда — соат 3 ларда реанимация бўлимига келтиришган. Тонгга яқин қизим ўзига келгач, Баҳром келиб тилхат ёзиб, касалхонадан олиб кетган.

2001 йил сенябрь ойида, иккинчи фарзандига ҳомиладорлигида, қизим йиғлаб уйимизга келди. Ичиб келиб дўппослабди, сочидан тортиб ураётганида қўшнилари кириб ажратиб олишибди. Қизимни машинага ўтқазиб, уйига олиб бордим, куёв ғирт маст ҳолда ётган экан. Ўрнидан турғазиб, участка нозири олдига олиб бордим. Таассуфки, у милиционер бўлгани учун бирор чора кўришдан бош тортди.

Қизим энди яшамайман, деб йиғлади. Эртаси куни яна куёвимнинг ишхонасига боришимга тўғри келди. Сиёсий ишлар бўйича бошлиқ ўринбосари, милиция капитани Зуҳуров ўртага тушиб, куёвим-қизимни чақиртириб, Баҳромга кечирим сўратди. Бу ҳол яна такрорланса, жиноий иш қўзғатилишини айтди. Табиийки, ҳеч биримиз ёш оиланинг бузилиб кетишини, дунёга келган ва келиши кутилаётган норасидаларнинг етим бўлиб қолишини истамас эдик. Қанчалар оғир бўлмасин, қизимизни эри билан яшашига кўндирдик. Негадир ўшанда ҳаммаси яхши бўлиб кетишига ишонсак-да, кўнглимиз барибир нимадандир ғаш эди.

2002 йил 20 июль куни тушдан сўнг маъшум хабар келди: қизимиз Нозила ёниб кетибди! Саросимали ҳолатимни, қалбимга тушган ларзани ҳеч бир сўз билан ифодалаб бўлмайди. Уни Чирчиқ шаҳар 1-касалхонасига келтиришибди.

Баҳром менга газдан ўт чиқиб, Нозила ёниб кетганини айтди. Унинг аҳволи оғирлигини, 80 фоиз аъзоси бадани куйганини билдим. Дарҳол дори олиб келдим. Эртасига навбатчи врачдан қизим ўзини-ўзи ёқиб юборгани ҳақида хабар эшитдим. Энг афсусли томони шундаки, бу мудҳиш воқеа ҳақида ҳеч ким тегишли идораларга хабар қилмаганди. 23 июль куни ҳаммаёққа ўзим маълум қилдим. Шундан сўнг суриштирув ишлари бошланди. Буни қарангки, на милициядагилар, на прокуратура ходимлари бу воқеадан бехабар бўлишса-я?!

Қўшнимиз Ёдгора қизимни кўргани борганда, эри унинг устига бензин сепиб ёқиб юборганини айтибди. Шўрлик болам зуғумкор эридан қўрқиб, ўзимни-ўзим ёқиб юбордим, деб шифохонада айтган экан.

Ниҳоят, тирик қолишига кўзи етмаган қизим, болаларимни бир кўрай, олиб келинг, деди. Беҳзод қудамникида эди. 9 ойлик Сабинани олиб бордим. Икковини ҳам ўзингиз боқиб, тарбияланг, деди Нозила. 11 кун азобланган фарзандим 31 июль куни ўлими олдидан жон талвасасида, мени эрим ёқиб юборди, дея жон берибди. Унинг сўнгги сўзини навбатчи ҳамшира эшитган экан. Тергов бошланди. Мени терговчи Хондамир Аъзамхўжаев чақириб, Жиноят Кодексининг 97-моддаси, 2-банди билан жиноий иш қўзғатилганини айтди. Хуллас, терговни олиб борди.

Охири, Баҳромга нисбатан Жиноят Кодексининг 104-моддаси 3-банди билан айблов иши қўзғатилди.

2002 йил 18 декабрда суд бошланди. Разил, ёвуз ниятли судланувчи Собиров Баҳром қизимни гўрида ҳам тинч қўймади, унга тухмат тошини отиб, ўзини судда оқламоқчи бўлди: руҳий хаста, хулқи нопок эди, дея Нозила қизимни қораламоқчи бўлди.

2002 йил 23 декабрь куни Чирчиқ шаҳар жиноий ишлар бўйича суд ҳукми ўқилди: "Собиров Баҳром 8 йилга озодликдан маҳрум қилинади".

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллиги муносабати билан эълон қилинган амнистиясига кўра, жазо муддатининг 4 дан 1 қисми, яъни 2 йили олиб ташланди.

Демак, Собиров 6 йилга озодликдан маҳрум этиш жазосига маҳкум этилди. Бу ҳукмдан рози эмасмиз.

Мен унга нисбатан одилона ҳукм чиқарилишини истайман.

Бахтиёр МУҲАММАДАЗИЗОВ,
Тошкент вилояти, Қибрай тумани

Фикр

«ҲУРРИЯТ»ДА ҲУРРИЯТНИ КЎРДИМ

Матбуот нашрлари "бола"лаб бораётган бугунги кунда барча газета-журналларга бирдек обуна бўлиш ёки дўкондан сотиб олиш ақлга сиғмайди, ҳамён кўтармайди. Энг инсофли йўли — танлаб ўқиш. Шу жиҳатдан олиб қаралганда республикамиз миқёсида чиқаётган мустақил газета — "Ҳуррият"нинг ўрни катта. Бир муштарий сифатида шуни тўла ишонч билан айта оламанки, "Ҳуррият"ни ўқиганим сайин ундан Ҳурриятни топаяпман.

Газетада босилаётган турфа мавзудаги фикр қўзғайдиган мақолалар, айниқса, кун тартибидаги танқидий чиқишлар ўқувчи эътиборини тортади.

"Ҳуррият"нинг мухлиси сифатида фикрим: газета саралаган газеталар ичида сараси. Унинг безакли кўриниши ҳам, мақолалари ҳам ўзига хос. Яна шуниси эътиборлики, унинг ўқувчилари ҳам сараланган. Ҳафтасига бир марта чиқаётган газетанинг адади шундан далолат бериб турибди. Бу нимадан дарак? "Ҳуррият"нинг Ҳурриятга хос фаолият юритаётганлигидан.

Мухлисини фақат газетани ўқишли чиқариш йўли билан кўпайтиришга муваффақ бўлаётган нашр ижодкорларининг қаламлари чарҳлангани сайин "Ҳуррият"да Ҳурриятни кўришга талабгор ўқувчиларнинг сафи кенгайиши тайин.

Рауф СОАТОВ

Интеграция

ЕТТБ – ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ИШОНЧЛИ ҲАМКОР



Яна саноқли кунлардан сўнг мамлакатимиз пойтахтида дунёдаги нуфузли молия ташкилотларидан бири — Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки (ЕТТБ) бошқарувчилар кенгашининг йиллик мажлиси бўлиб ўтади. Диққатга сазовор жиҳати шундаки, ушбу халқаро анжуман Осиёда илк маротаба Ўзбекистонда ташкиллаштирилмоқда. Ўн иккинчи маротаба ўтказилаётган ЕТТБ анжуманида жаҳондаги қудратли банк, корпорация, компания раҳбарлари, халқаро ташкилотлар вакиллари, таниқли сиёсатчилар, тадбиркорлар, соҳанинг кўзга кўринган мутахассислари қатнашиши кутилмоқда. Айни кунда пойтахтимизда нуфузли тадбирга муносиб тайёргарлик кўриш мақсадида кенг кўламли ишлар олиб бориляпти. Тошкентдаги "Дўстлик", "Турон", "Тошкент", "Россия" меҳмонхоналари жаҳон андозалари даражасидаги имконият ва қулайликлар яратишни кўзлаб қайта таъмирланяпти. Халқаро анжуманга тайёргарлик мамлакатимиз ОАВда мунтазам ёритиб бориляпти. Шу боис ЕТТБнинг тарихи, ҳозирги фаолияти ва Ўзбекистон ҳамда ушбу нуфузли молия ташкилоти ўртасидаги ҳамкорлик хусусида тўхталиб ўтмоқчимиз.

1990-йиллар бошида эндигина тараққиёт йўлига ўтаётган Шарқий ва Марказий Европа мамлакатларига иқтисодиётни барқарорлаштириш, ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш учун катта миқдордаги сармоя ва маблағ зарур эди. Шу тариқа 1990 йил 29 май куни Парижда Франциянинг собиқ президенти Франсуа Миттеран ташаббуси билан режали иқтисодиётдан эркин бозор тизимига ўтаётган Марказий ҳамда Шарқий Европа, собиқ Иттифоқ мамлакатларида кичик ва ўрта бизнес ривожига кўмак беришни кўзлаб, Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банкини тузиш тўғрисида битим имзоланди. Битим орадан бир йил ўтиб, 1991 йилнинг 28 мартида кучга кирди. Ўша йилнинг 15-17 апрел кунлари Лондонда ушбу йирик молия муассасасининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Европа Иттифоқи ҳамда Европа Инвестиция банки, шунингдек, дунёнинг 60 давлати ЕТТБ муассиси саналади. Ўша пайтда банкнинг капитал жамғармаси 12 миллиард долларни ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда бу рақам 19,61 миллиард еврога етди. Бугунга келиб, Марказий Европадан Марказий Осиёгага бўлган улкан жуғрофий ҳудуддаги 27 мамлакат ЕТТБ сармоясидан фойдаланмоқда. Кенг қамровли тизимга эга бўлган банкнинг қароргоҳи Буюк Британия пойтахти Лондонда жойлашган.

Шу кунга қадар ЕТТБ мустақилликка эришган мамлакатларга иқтисодиёт тармоқларини ислоҳ қилиш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, хусусий секторни қўллаб-қувватлаш, атроф-муҳит муҳофазаси бўйича лойиҳа, дастурларни амал оширишда молиявий кўмак бериб келмоқда. Банк мижозларга кредит ажратиш билан чекланмайди, жаҳон молия бозоридаги юқори нуфузидан фойдаланиб, катта миқдорда сармоя ҳам жалб қилади. Мазкур молия ташкилотининг асосий фаолият йўналиши янги ташкил этилаётган ишлаб чиқариш корхоналарига сармоя киритиш, кредит ажратиш ва бизнес лойиҳаларини молиялаштириш ҳисобланади. Бундан ташқари, банк минтақаларда ишбилармонлик, тадбиркорлик фаолияти учун қулай муҳит, шароит яратишда иштирок этади. Шу орқали ЕТТБ эркин бозор иқтисодиёти муносабатларининг қарор топишига кўмак беради. Ўз навбатида, банк ишини олиб боришнинг замонавий йўналишларини амалга татбиқ этади. Эътиборли жиҳати шундаки, ташкилот лойиҳаларни амалга оширишда ишлаб чиқаришнинг экологик хавфсизлиги, атроф-муҳитга зарар етказмаслиги масаласига энг муҳим талаб сифатида ёндашади. ЕТТБ дунё иқтисодиётида юқори рейтингга эга ва банк фаолияти фақат Европа билан чекланиб қолмайди. Биргина мисол. Халқаро молия ташкилоти ҳар йили қимматбаҳо қоғозлар, акциялар чиқаради, уларни кўплаб мамлакатларнинг марказий банклари, компаниялари сотиб олади. Жумладан, ЕТТБнинг акциядор давлатлари қаторида АҚШ, Канада, Япония, Янги Зеландия, Миср, Мексика, Марокаш ҳам бор.

Мамлакатимиз ҳам ўн бир йилдан буён ЕТТБ билан самарали ҳамкорлик қилиб келяпти. 1992 йилнинг 30 апрелида Ўзбекистон банкининг тўлақонли аъзоси бўлди. Мазкур халқаро молия ташкилотининг ваколатхонаси юртимизда 1993 йилдан буён фаолият юритиб келмоқда. Банк томонидан мамлакатимизда дастлабки лойиҳанинг молиялаштирилиши ҳам шу йилга тўғри келди. Шу кунга қадар ЕТТБ иштирокида юртимизда 1,4 миллард АҚШ доллари миқдоридаги 20 та лойиҳа амалга оширилган бўлиб, бунинг 723,8 минг доллари банк улуши ҳисобланади. Айни пайтда эса яна 320 миллион доллар қийматдаги 8 та лойиҳани амалга татбиқ этиш бўйича тайёргарлик олиб бориляпти. ЕТТБ мамлакатимизда молиялаштираётган дастур ва лойиҳалар турли соҳа, турли йўналишларга тааллуқли. Булар сирасига кичик ва ўрта корхоналарни қўллаб-қувватлаш, бозор инфратузилмасини ривожлантириш, хусусий тармоқни янада кенгайтириш, пахтани қайта ишлаш, енгил саноат ҳамда туризмни тараққий эттириш каби йўналишларни киритиш мумкин. Яна бир қулай жиҳати шуки, ЕТТБ ўз фаолиятини Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси каби халқаро ташкилотлар билан мувофиқ равишда олиб боради. Бу эса миллий иқтисодиётимизга киритилаётган сармоя миқдори ва самараси ошишига ижобий таъсир этади, албатта. Бошқа жиҳатдан бу ҳолат мамлакатимизнинг дунё молия гигантлари билан бир вақтнинг ўзида кенг кўламли ҳамкорлик муносабатларини кучайтиришида ҳал қилувчи омил бўлиши мумкин.

Яна айрим рақамларга мурожаат қилайлик. Чунки фақат рақамлар "тили" билангина ЕТТБнинг юртимиз иқтисодий тараққиётидаги ўрнини тўлароқ, аниқроқ тасаввур қилиш мумкин бўлса керак. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон банкнинг 42 миллион евро қийматидаги 4200 та акциясига эгалик қилмоқда. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва ЕТТБ ўртасидаги изчил ҳамкорликнинг самараси ўлароқ шу бугунги кунда умумий миқдори 324,9 миллион АҚШ долларилик 9 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Молия ташкилоти шу билан бирга юртимиздаги инвестицион жараёнларда фаол иштироки билан ажралиб турибди. Жумладан, Миллий банк ва ЕТТБ иштирокида тузилган тўртта қўшма лойиҳада унинг ҳиссаси 21,9 миллион АҚШ долларига тенг экани ҳам буни тасдиқлайди. Бундан ташқари, банк томонидан "ЎзДЭУбанк"ни ривожлантириш учун 5 миллион АҚШ доллари ажратилди, "Косонсой-Текмен" қўшма корхонасининг оёққа туриши учун 14 миллион доллар сармоя сарфланди. Шунингдек, ЕТТБ "Зарафшон-Ньюмонт" қўшма корхонасини барпо этиш, Фарғонадаги нефтни қайта ишлаш заводини таъмирлаш, Сирдарё ГРЭСини модернизациялаш (замонавийлаштириш)га ҳам сармоя ажратган.

Собиржон ЁҚУБОВ

Тарих

ДЕҲҚОН ҚАНЧА ЗАРАР КЎРГАН ЭДИ?

Убайдулла ХЎЖАЕВ (1880-1938) Туркистондаги миллий истиқлолчилик ҳаракатининг энг фаолларидан бири эди. У XX аср бошларида фақат маориф, маданият ва матбуот соҳаларидагина эмас, балки ижтимоий-сиёсий соҳаларда ҳам қизғин фаолият олиб борди. Саратов шаҳрида ҳуқуқ масалалари бўйича малака оширган Убайдулла Хўжаев бутун ҳаётини ноҳақ жабрланган ватандошларини ҳимоя қилиш ишига бағишлади. Хусусан, у 1916 йилда Туркистонда мардикорликка олиш ишчи қўмитасининг раиси сифатида халқ манфаатларини кўзлаб, катта ишларни амалга оширди. Машҳур миллионер бой Миркомил Мирмўминбоев билан бирга Петербургга бориб, бу ишни тафтиш қилиш учун махсус комиссиянинг келишига замин ҳозирлади. Натижада А. Ф. Керенский раҳбарлигидаги тафтиш комиссияси Туркистонга келиб, мардикорликка олиш вақтида йўл қўйилган адолатсизликлар билан яқиндан танишиб чиқди ва маҳаллий аҳолининг шикоятларини ўрганиб, Россия Давлат думасининг декабр ойида бўлиб ўтган сессиясида махсус маъруза билан чиқди.

Убайдулла Хўжаев 1917 йил февраль инқилобидан кейин Туркистон Мухторияти ҳукуматининг ташкил этилишида фаол қатнашди. Мухторият тугатилгандан кейин большевикларнинг ўзбошимчаликлари ва зўравонликларининг қурбони бўлган юзлаб кишиларни адвокат сифатида дадил туриб ҳимоя қилди. Истиқлолчиларнинг бошқа кўзга кўринган намояндалари қатори у ҳам бир неча бор қамалиб чиқди. Ниҳоят, 1929 йил охирларида Убайдулла Хўжаев қамоққа олиниб, 10 йил муддатга "кесилди". 1938 йилда эса отиб ташланди.

Убайдулла Хўжаев нафақат адвокат, балки ношир ва журналист сифатида ҳам Туркистон халқларининг миллий манфаатлари учун кураш олиб борди. Унинг бу борадаги саъй-ҳаракатлари илк бор "Қуёш" газетасининг 1917 йил сонларидан бирида чоп этилган ва "Улуғ Туркистон" газетасининг 1917 йил 12 август сонида кўчириб босилган маърузаси баёнидан ҳам яққол кўриниб турибди.

Қуйида биз Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракати фидойиси Убайдулла Хўжаевнинг ушбу маърузаси баёнини "Улуғ Туркистон" газетаси талқинида "Ҳуррият" ўқувчилари эътиборига ҳавола қилишни жоиз деб топдик.

Шерали ТУРДИЕВ

ТУРКИСТОН ҲАҚИДА УБАЙДУЛЛАХЎЖАНИНГ ДОКЛАДИ

Қозонда бўлғон Умумрусия мусулмонларининг съездида бир тошкентлик Убайдуллахўжа Асадуллахўжа ўғли Туркистон ҳаққинда узун доклад ўқуғон. "Қуёш"да ёзилувига кўра, Убайдуллахўжанинг доклади ушбудан иборат:

"Туркистон — миллий марказлардан бириси. Русияда мусулмон энг кўп бўлган бир ўлка Туркистондир. Мусулмонлар бутун аҳолининг юздан тўқсон бешини ташкил этади. Туркистон халқининг беш процентигина мусулмондан бошқа миллатлар. Шул сабабли Туркистонни соф мусулмон ўлкаси деб санарға ярий ва шул сабабдан анға эътибор этарға тегишлимиз.

Ҳозирга қадар Туркистон рус маъмурлари учун-да, рус сармоядорлари учун-да зўр бир совғин сиғиргина эди. Бу кишиларнинг Туркистонда нечук этиб истифода қилувларин сўйлаб тўрмли. Бир мисолғина келтирам, шундан анғларсиз, деб билам.

Туркистоннинг энг кўп етиштуратурғон нарсаси — момуқ. Бу нарса бутун Русия мамлакатинда Туркистондагина ўса. Момуқ бутун дунёга керак нарса. Ҳозирги сўғиш чоғинда анга эҳтиёж тағин-да орта тушди... Олдинғи вақтда Америқа момиғининг Русияға пуди 18 сўмдан келтирила эди. А Туркистон момуғи ҳозирғи сўғиш вақтинда, ҳар нарсанинг баҳоси 3-4 ортган чоқда-да такса бўйинча пуди 7-10 сўмдан тебраниб туради. Бутун Туркистон йил сайин 10-12 миллиён пуд момуқ чиқорғонда Туркистон деҳқонлари бу такса орқасинда йил сайин 100 миллиён сўм ёқоталар, демақдир. Мана, Туркистон деҳқонлари йиқған 100 миллиён сўм ақча рус сармоядорларининг киссасига киради. Руслар Туркистондан шул қадар фойда этган ҳолда, Туркистонга бунинг баробарина ҳеч бир нарса бермийлар...

Рус инқилобидан сўнг, биз ўз турмушимизни ҳам ўз ишимизни тузувда ўзимиз хўжа бўлурмиз, инқилоб ваъда этатурғон текислик ва адолатдан бизда улуш олурмиз, деб умидланган ва шодланган эдик. Лекин бизнинг учун ул соатлар етмаган экан ҳали.

Ҳар ерда бўлғони инқилобдан сўнг Туркистонда-да ишчи-солдатлар шўролари тузилди. Лекин Туркистондаги ишчи-солдат шўролари анинг туб халқидан бўлмоғонға, албатта, бу шўроларға Туркистон халқи кира олмади. Туркистоннинг ўз демократияси, деҳқонлари уюша олмадилар. Шул сабабли мусулмонлар ҳамма синфлар учун муштарак умумий муассасаларгина ясай олдилар. Ишчи-солдат шўроларининг идеяси бик шап бўлса-да, Туркистондаги бундай шўролар мақтарлик бўлмадилар. Ўзларининг сўзға усталиклари, халқнинг соддалиғи орқасинда бу шўроларға кўп ўтирған зотлар 5 фоиз бир халқнинггина вакиллари бўлувларина қарамий Туркистонни идора қилурға киришдилар. Туркистоннинг туб халқина "идора этуладурқон кишилар" дебгина қаровларинда давом этиб, ўзларининг жиҳодкезлик заҳари билан заҳарликланганларини исбот этдилар. Москов съездининг қарориға биноан биз Туркистонға юборув учун Вақтли ҳукуматға кандидатлар кўрсатдик. Вақтли ҳукумат комитетиға кирган тўрт мусулмон комиссари Туркистонда зўр ишлар ишлайдилар, деб умид этган эдик. Лекин Туркистондаги солдат ва ишчилар шўроси аларға ишларға эрк бермади. Алар ҳавоий талабларини раҳбар тутиб, марказ Туркистон комитети тузиб, иш қилурға тиришсалар-да, Туркистондаги солдат ва ишчилар шўроси моне бўлди. Алар-да Туркистонни ташлаб кетарға мажбур бўлдилар. Туркистондан бўлиб анда Петроғрат советиға юборилған Словетский деган бириси миллий шўромизнинг аъзоларидан биров билан ўтиришғонда "Ниндиг ул марказ миллий шўро, Туркистон масалаларига қотушурға онинг ниндий ҳаққи бор? Кўрсатган кишиларингиз борсунлар, али, уларни андан тез тойдурар", деган.

Мана, ҳозир Туркистонда шундай кишилар хўжалиқ эта. Аскар алар қўлинда бўлғонидан алар кучға таяниб, ўзларининг тубан ва эски сиёсатларин давом эттириб боррлар...

Бухорода-да ҳоллар ночор. Онда ҳуррият эълон қилиниб, қараса-да ҳозирда янадан қайтариб олинди. Иш бошина яннадан эскилик тарафдорлари миниб ўтирадилар. Хивада-да шўлаюқ".

Дараклар

БАҒДОД ТОМОН ЯНА БИР ҚАДАМ

Ўтган ҳафта АҚШ десантчилари Ироқ шимолига келтирилди. Маълумотларга

қараганда, 173-парашют-десант бригадаси жангчилари курдлар назорати остида бўлган, Туркия чегарасидан 48 километр узоқликда жойлашган ҳудудга туширилган. Айни пайтда бу ерга иттифоқчиларнинг янги бўлинмалари келиши кутилмоқда. Бунга қадар фаол ҳарбий ҳаракатлар фақатгина Ироқ жанубида олиб борилган эди. Мамлакат шимолига аскар киритилиши коалиция кучларининг Ироқда иккинчи фронт очиш йўлидаги дастлабки жиддий қадами бўлди. Ироқ Курдистонига Америка жангчиларининг туширилиши билан шимолда ҳам ҳарбий ҳаракатлар фаоллашди. Эндиликда мамлакатнинг шу қисмида жойлашган Мосул, Киркук шаҳарлари ҳам ракета бомбалари воситасида бомбардимон қилиняпти.

АҚШга тегишли 3-пиёда қўшинлар дивизияси эса Бағдод томон ҳаракат қиляпти. Хориж матбуоти хабарларига қараганда, Америка бўлинмалари Бағдоддан 100-120 км нарида ҳарбий операциялар олиб боряпти. Кузатувчилар фикрича, агар иккинчи фронт очилгудек бўлса, Бағдод мудофааси янада қийинлашади ва бу урушнинг боришига ҳам сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин.

ҲАРБИЙ ОПЕРАЦИЯ ҚАНДАЙ КЕТЯПТИ?

Бу саволга АҚШ Қуролли кучлари Марказий бошқармаси вакили, генерал Виктор Ренуарт ҳафта якунида Қатардаги Ас-Саилия ҳарбий лагерида бўлиб ўтган матбуот конференциясида жавоб берди. Расмий вакилнинг таъкидлашича, жиддий қийинчиликларга қарамай, "Ироқ озодлиги" деб номланган ҳарбий операция муваффақиятли тарзда давом эттириляпти. Шунингдек, журналистларнинг "Уруш ёзгача чўзилиши мумкинми?" деган саволига халқаро коалиция қўшинлари бошлиғи, генерал Томми Фрэнкс "Жанг жуда шиддатли кетяпти, буни олдиндан айтиш қийин", деб жавоб берган.

Японияниг Киодо Цусин ахборот агентлиги АҚШ ҳарбийлари фаолиятига оид қизиқарли маълумотларни эълон қилган. Унда айтилишича, Ироқдаги ҳарбий ҳаракатларда иштирок этаётган Қўшма Штатларнинг оддий аскари 15,5 минг доллар маош билан таъминланади. Бундан ташқари, ҳарбий унвонидан қатъий назар урушда қатнашаётган барча ҳарбий хизматчиларга ҳар ойда қўшимча 150 доллар берилади. Ҳарбий ҳаракатга бошчилик қилаётган генерал Т. Фрэнкс эса 154 минг доллар миқдорда маош олади.

БУШ КОНГРЕССДАН ҚЎШИМЧА МАБЛАҒ СЎРАДИ

Би-би-си хабарига кўра, АҚШ Президенти Жорж Буш Ироқдаги ҳарбий ҳаракатларни янада кучайтириш мақсадида мамлакат конгрессидан 74 миллиард 700 миллион доллар миқдорда қўшимча маблағ сўраган. Ушбу маблағ шу билан бирга Ироқдаги тинч аҳолига гуманитар ёрдам кўрсатиш учун сарфланиши кутилмоқда. Вашингтон маъмурияти вакиллари таъ-



кидлашича, Қўшма Штатлар ҳозиргача Ироққа 105 миллион доллар ҳажмида молиявий кўмак берган. Шунингдек, АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги яқин кунларда Ироққа 200 минг тонна буғдой жўнатилишини эълон қилган.

Интернет хабарлари асосида Абдул СОБИР тайёрлади

GLOBUS international life

Акциядорлик тижорат
«ПАХТАБАНК»

Барча хоҳловчи шахсларга моддий бойликларингиз, ноёб буюмларингиз ва ҳужжатларингизни сақлаш учун янги қулай хизмат тури — «Банк депозит катакчалари»дан фойдаланишни таклиф этади.

Банк бир ой муддат учун депозит катакчаларининг ҳажмига муносиб равишда атиги 900 сўмдан 2300 сўмгача хизмат ҳақи олади.

Банк қимматли буюмларингизнинг ишончли сақланиши ҳамда сир тутилишига кафолат беради!

Доимо Сизнинг хизматингизда!
«Пахтабанк» — фаровонлигингиз калитидир!

Тўлиқ маълумот учун телефонлар: 173-25-33, 78-20-91.

Эътироф

СУЛОЛА

Адабиётшунослик соҳасида танилиб, эъзоз топган отабола ва ака-ука олимлар анчагина. Ана шундай ўзига хос олимлар сулоласидан бири муҳтарам олимлар: ака-ука Алибек Рустамов, Ботирбек Ҳасанов, Саидбек Ҳасановлардир. Бу устозларнинг ўзбек адабиётшунослиги хусусан, адабиёт тарихи, манбашунослик ва навоийшуносликка қўшган салмоқли ҳиссалари катта эътирофга сазовордир.

Академик, филология фанлари доктори Алибек Рустамовнинг адабиётшунослик ва тилшунослик соҳасидаги салмоқли ишлари, жумладан, Алишер Навоий асарларининг таҳлилига бағишланган тадқиқотлари ҳанузгача аҳамиятли бўлиб келмоқда.

Серқирра ва улкан истеъдодли олим А. Рустамов томонидан амалга оширилган "Аруз ҳақида суҳбатлар", "Қофия нима?" каби тадқиқотлар мумтоз адабиёт назарияси бўйича муҳим илмий рисолалар туркумига кирса, "Навоийнинг бадиий маҳорати" (1979) китоби ҳазрат Алишер Навоий ижодининг ғоявий-бадиий хусусиятларини ўрганишга бағишланган энг яхши тадқиқот намуналаридан биридир. А. Рустамов собиқ совет давридаёқ маънавиятимиз намояндаларини элга танитиб боришга хизмат қилган эдилар. Шундай асарларидан бири, шубҳасиз "Маҳмуд Замахшарий" китобидир. Олимнинг "Бисмиллоҳнинг маъноси" рисоласи (1992) Алишер Навоий "Хамса"синнинг бошланма қисмига чиройли шарҳ бўлди. Домланинг Атоуллоҳ Ҳусайний қаламига мансуб "Бадойиъ ус-санойиъ" асарининг форс тилидан маҳорат билан амалга оширган таржимаси (1981) ўзбек тадқиқотчилари учун муҳим манба бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Академик А. Рустамов кўплаб илмий ишларга раҳбар бўлиш билан бирга, ҳозирда Тошкент Давлат Шарқшунослик институтининг профессори сифатида талабаларни илмга ошно этиб келмоқдалар.

Устоз олимнинг укаси, забардаст олим ва камтарин инсон, филология фанлари доктори Ботирбек Рустамович Ҳасанов (Аллоҳ охиратларини обод қилсин) ўзбек манбашунослиги ва луғатшунослигига салмоқли ҳисса қўшган эдилар.

Араб тилининг улкан билимдони Б. Ҳасанов Алишер Навоийнинг "Сабъати абҳур" ("Етти денгиз") номли луғат асари бўйича амалга оширилган номзодлик диссертацияси (1974) биланоқ жиддий илмий тадқиқотлар қўламини бошлаган. Заҳматкаш олимнинг ўзбек луғатшунослигини бойитган "Навоий асарлари учун қисқача луғат" (1993), "Арабча-ўзбекча бошланғич луғат" (1996), "Қуръони карим сўзларининг арабча-ўзбекча кўрсаткичлари луғати" (1995) каби асарлари бу соҳадаги кемтикликни тўлдирибгина қолмасдан, узоқ истибдод йилларидан сўнг аждодлар меросини ўрганишга талпинаётган ёш авлод учун ғоят керакли қўлланмалар ҳам бўлиб қолди.

Ботирбек аканинг яна бир йирик ва муҳим тадқиқоти "Алишер Навоий асарларига тузилган луғатларнинг тузилиш принциплари" (1990) бўлиб, Навоий асарларидаги сермаъно сўзларни тўғри англай билиш ва таҳлил этиш ишлари учун муносиб манба сифатида аҳамиятлидир. Бундан ташқари олимнинг Қуръон илмлари ва араб тилини ўрганиш бўйича ёзган ўқув қўлланмалари бу соҳада лозим дарслик бўлиб қолди. Зукко олим нашрга тайёрлаган, маънавиятимиз хазинасини бойитувчи "Имон шартлари" рисоласи, "Рисолаи азиза" "Сабот ул-ожизин" шарҳи" ва бошқа китоблари халқ орасида кенг шуҳрат топди.

Заҳматкаш олим, камсуқум инсон, устоз Ботирбек ака Ҳасанов узоқ йиллар Давлат Адабиёт музейи ва Қўлёзмалар институтида ҳалол меҳнат қилиб, илмий-адабий меросни тўплаб, юзага чиқариш учун тинимсиз фаолият юритди, манбашунослик ва Қуръон илмларидан дарс бериб келди. Олим яратган муҳим илмий тадқиқотлар фанимиз равнақига муносиб улуш бўлиб, у кишининг номи маънавиятимиз тарихида ўчмас из қолдиради.

Бу олимлар сулоласининг яна бир вакили, филология фанлари доктори, профессор Саидбек Ҳасановдир. Шуни таъкидлаш керакки, устоз Саидбек ака Ҳасанов ўзбек адабиётшунослиги, манбашунослиги ва Шарқ халқлари адабиёти бўйича кўзга кўринган ва ўзига хос мактаб яратган йирик олим бўлиш билан бирга, ниҳоятда камтарин инсондир.

Атоқли олим, профессор Ҳ. Сулаймонов раҳбарлигида иш бошлаган С. Ҳасанов, айтиш мумкинки, машҳур олимга муносиб издош бўлди. Дастлабки илмий изланишининг ўзиёқ муҳим ва салмоқли бўлди. Бобурнинг аруз назариясига оид асари "Мухтасар"ни ҳам матний, ҳам илмий-назарий жиҳатдан ўрганиб, фанга танитганида олим 26 ёшда эди (1971). Шундан бери С. Ҳасанов домла юздан зиёд илмий мақола, ўнлаб китоб ва монографияларни эълон қилди. Айниқса, навоийшунослик ва бобуршуносликка улкан ҳисса қўшди. "Навоийнинг етти туҳфаси" (1991), "Роман о Баҳраме" (1989) монографиялари, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижодига бағишланган қатор тадқиқотлари ("Бобурнинг шеърлари", 1982 ва 1993; "Бобур ҳаёти ва ижоди", 1993; Бобур, "Мубаййин", 2000) ана шулар жумласидандир. Устоз матншунос сифатида маънавиятимиз хазинасидан мустаҳкам ўрин олиб келган асарлар Ҳувайдонинг "Роҳати дил" достони (1993), "Жавоҳир ул-ҳикоёт" (1993) "Арбаъин ҳадис" (1991), "Юсуф алайҳиссалом таъбирномаси" (1990), "Мўъжаз ул-ҳикоёт" (1993), Собир Сайқалийнинг "Қиссаи Сайқалий" (1995), Васлий Самарқандийнинг "Муҳаммад пайғамбар тарихи" (1993), "Имоми Аъзам тарихи" (1994), Мирзо Хайрулло Хўқандийнинг "Ахлоқи замима" (1994), Бобур таржимасидаги Хўжа Аҳрор Валийнинг "Рисолаи волидия" (1995), Мирзо Комрон "Девон"и (1993) каби мумтоз адабиётимиз намуналарини нашрга тайёрлади. Абу Бакр ас-Собуний Бухорийнинг (12-аср) "Китобу-л-бидоя фи усулидин" асарининг арабчадан ўзбек тилига таржимаси, "Бобурнома"нинг мукаммал изоҳлар билан тўлдирилган варианти китобхонлар қўлига етиб борди (Тошкент, "Шарқ", 2002).

С. Ҳасанов домла кўплаб ёш тадқиқотчиларнинг меҳрибон ва талабчан устози бўлиш билан бирга, моҳир ташкилотчи ва жамоат арбоби ҳамдир. Ҳурматли олим раҳбарлигида мамлакатимизда илк бор Ўзбекистон ёзувчиларининг архиви ташкил этилиб, ўзбек архившунослигининг махсус илмий йўналишига асос солинди (ўнлаб адибларнинг архив материаллари чоп этилди). Ҳозирги кунда устоз олим С. Ҳасанов раҳбарлик қилиб келаётган Ўзбекистон Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейи нафақат маданий, балки илмий муассаса сифатида ҳам республикамиз маънавий ҳаётида фаол иштирок этиб келмоқда.

Муҳтарам олимларнинг муносиб давомчилари бўлган фарзандлар — Муҳиббек, Нажиббек, Надима, Ҳамидбек ва Бобурбеклар ҳам илмнинг машаққатли ва шарафли йўлига қадам қўйишмоқда.

ХХ асрнинг ўзбек илм-маърифатининг етук сулоласи вакилларига ХХI асрда ҳам улкан муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Отабек ЖЎРАБОЕВ, Алишер Навоий номли Давлат Адабиёт музейи бўлим мудири

Сана

ИЛОҲИЙ РУҲ ФАЙЗИ

Маълумки, бу йил ЮНЕСКО қарори билан буюк бобомиз Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳазратлари таваллудининг 900 йиллиги нишонланади.

Юртимиз маънавий ҳаётида муҳим мавқе эгаллаб келган Хожаи Жаҳон Абдулхолиқ Ғиждувоний ва бошқа улуғларнинг ҳар жиҳатдан камолотга эришишларида салаф устозларнинг бениҳоя хизматлари сингганлиги маълум. Шу маънода, Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний ва Хожа Аҳмад Яссавий каби икки буюк маънавият пешволарига таълим берган машҳур олим, Моварауннаҳр ва Хуросоннинг маънавий-маданий тарихида ёрқин из қолдирган йирик мутасаввиф, Абдулхолиқ Ғиждувоний таъбири билан айтганда, "шайхуш-шуйух" (шайхлар шайхи) Хожа Юсуф Ҳамадоний ҳазратлари қаламига мансуб "Рутбатул-ҳаёт" (Ҳаёт мезони) асаридан жон ва бадан муносабатига доир бир парчани эътиборингизга тақдим этмоқдамиз. Ўзига хос салмоққа эга бу асар доктор Муҳаммад Амин Риёҳий томонидан катта муқаддима ва изоҳлар билан Эронда нашр этилган бўлса, доктор Наждат Тўсун "Ҳаёт нима? (Рутбатул-ҳаёт) Хожа Аҳмад Яссавийнинг устози Хожа Юсуф Ҳамадоний" номи остида унинг туркча таржимасини эълон қилган. Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳазратлари таваллудининг 900 йиллигига бағишлаб биз ҳам бу асарни форс тилидан таржима қилдик ва ундан баъзи парчаларни ҳукмингизга ҳавола этмоқдамиз.

...Аллоҳ таоло томонидан Одам алайҳиссаломга илоҳий руҳ уфурилгач, у бошидан оёғига қадар руҳ нурининг шуъласидан порлаб, нурланиб кетди. Малакут олами аъзоларининг ҳар бир зарраси бу офтоб нурининг порлашидан янада жонланди, нурланди. Бутун коинот ҳайбат ва итоатга йўналди. Бу руҳнинг бўйсундирувчи салтанати жумла махлуқотнинг руҳини ларзага солди. Юқори ва пастки оламнинг жисмлари ўша ойдинликнинг азаматидан қуллик камарини белларига боғладилар. Коинотдаги ҳар бир махлуқотнинг табиатида қўрқув ва ҳайбат титраши вужудга келди. Нур ва зулмат малакути, сув, тупроқ, шамол ва олов — барча-барчаси итоат зирагини қулоқларига тақдилар. Осмон уни ўз соясига олмоқ учун кибриё ридосини ёйди. Ер юзи унга тахт ва тўшак бўлмоқ учун сардорлик ва улуғлик либосини кийди. Хуллас, булут, ёмғир, момақалдироқ, чақмоқ, денгиз, қуруқлик, дарахт, мева, тош-тупроқ ва қолган ҳамма нарсалар Одам алайҳиссаломга бўйсуниб, хизмат қилиш учун итоат, тутқинлик либосини ошкора кийдилар.

Амал дафтарини ёзувчи, турли-туман вазифаларни бажарувчи, Аршни тутиб турган ва саф тортган фаришталар ҳамда нур, олов ва руҳдан яратилган барча мавжудотлар айни пайтда Одам алайҳиссаломнинг зоти ва жамоли олдида сажда қилдилар. Бу уларнинг ҳазрати Одам ва фарзандларига итоат қилишларининг ибтидоси эди. Итоатнинг ниҳояси эса Одам ва фарзандлари салтанатининг тугашидирки, бу — мумкин эмас...

Шубҳасизки, бу фаришталар дунёда ҳам, охиратда ҳам Одам фарзандларига хизмат қиладилар. Бу фаришталарнинг баъзилари котиб, баъзилари посбон, баъзилари илҳомлантирувчи, баъзилари истиғфор айтувчи ёки масжид йўлида йўлбошчидирлар. Айримлари инсонлар жоме-масжидга вақтлироқ борсинлар, дея байроқдорлик қилурлар. Айримлари ухлаётганларни уйғотур, айримлари дин ғамини еганлар қалбига хурсандчилик солур. Айрим фаришталар борки, қуёш, ой ва юлдузни, баъзилари шамол, булут, ёмғир, қор, чақмоқ ва яшинни ҳаракатлантирадилар. Баъзилари эса инсонлар вафот этаётганларида уларга: **"Қўрқманглар ва ғамгин бўлманглар. Сизларга ваъда қилинган жаннат хушхабари билан шодланинглар" (Қуръон, 41:30),** дея хушхабар берурлар.

Инсонлар охиратга сафар қилгандан кейин баъзи фаришталар уларни қабрда сўроқ қиладилар, айримлари (саволларга жавобларни) талқин этадилар, баъзилари тупроғи бошига бурок келтирадилар. Айримлари подшоҳи зулжалолдан гўзал ва нозик жаннат либосларини, яна баъзилари Ҳақ таолодан совға-саломларни келтирадилар. Айримлари соқийлик қилсалар, яна баъзилари дастурхон ёзадилар, баъзилари эса муғаннийлик қиладилар.

Билгинки, агар шайтонда бундай фазилатлар бўлганда эди, у ҳам Одам ва фарзандларига хизмат қилишга сазовор бўларди. Шунда унинг эгнига абадийлик либосини, бошига эса абадият тожини кийгизиб, мангулик рақамини чекиб, уни абадий ҳалокатдан сақлаб қолган бўлардилар. Аммо у бадбахтликка йўлиқди, хизматга лойиқ бўлмади, тўзғиб кетган бир чангга айланди. Одам ва фарзандлари эса хизмат қилувчи малаклари, вилдон, ғилмон, ҳурлар билан бирга мангу-абадий жаннатда қолурлар.

На гўзал Субҳон, Малик, Латиф ва подшоҳсан! Инсонни хожалик (улуғлик, сардорлик) лойидан ва дўстлик балчиғидан яратдинг. Қора балчиқдан ошиқ ва маъшуқ саргузаштини ошкор этдинг. "Одамнинг балчиғини қориди" ифодасини Одамнинг қудсият гавҳари қилурсан. "Одамни Ўз шаклида яратди" ифодасини унинг салтанат либоси қилурсан. **"Мен Ўз қудратим билан яратган нарсага — Одамга сажда қилишдан нима сени манъ қилди?!" (Қуръон, 38:75)** ифодасини унга бош тожи этурсан. **"Бас, қачон уни тиклаб, ичига Ўз (даргоҳимдаги) жондан киритганимда" (Қуръон, 15:29)** жумласини унга подшоҳлик камари қилурсан. **"Сизлар унга сажда қилган ҳолингизда йиқилингиз" (Қуръон, 15:29)** оятини унга хожалик ҳайбати ва ҳукми қилурсан. **"Албатта, Аллоҳ Одам ва Нуҳни ҳамда Иброҳим ва Имрон сулолаларини бутун олам устида (пайғамбарлик учун) танлаб олди (яъни, Одамни бутун олам аҳлидан ортиқ-афзал қилди)" (Қуръон, 3:33)** оятини унинг дўстлик довули ва туғи қилурсан. Ниҳоят **"Сўнгра Парвардигори уни сайлаб, Ўзига яқин қилиб, тавбасини қабул этди ва Тўғри йўлга ҳидоят қилди" (Қуръон, 20:122)** оятини унинг қадр-қиймат куни қилурсан.

Сен балчиқ, қуруқ лой, сув ва тупроқдан юксалиб, шаклланган, бир-бирига монанд малакут оламидан келдинг. Эй, улуғвор толеъ, дўстлик ва севги манбаи руҳ! Сенинг донолик вилоятингда доноларнинг донолиги нодонликдир. Ҳаққа яқин бўлганлар сенинг яқинлик мақомингга қиёсан ҳаммалари йироқдадирлар. Дўстлик, севги ва вафони юргизувчи сенсан. Ишқ, шавқ ва шифонинг асоси сенсан. Мулк ва боқийлик камолининг тимсоли сенсан. Висолнинг сурати, унсияти, қадаҳ лиқоси сенсан. Эй, етти иқлимда беназир, етти қават осмонда тенги йўқ, инсон ва жинлар вакили ва бошқарувчиси, мулк ва мамлакатларнинг шоҳу шаҳаншоҳи!

Бу сўзлардан мақсад — руҳнинг азамат ва улуғлигини шарҳлаш эмас. Зеро, руҳ **"(Эй Муҳаммад) Сиздан руҳ-жон ҳақида сўрайдилар. Айтинг: "Руҳ ёлғиз Парвардигорим биладиган ишлардандир". Сизларга жуда оз илм берилгандир" (Қуръон, 17:85)** оятининг иззат пардалари остида пинҳондир. Яратилиш босқичларини баён этишдан мақсад — эҳсоннинг юзага келиш ва порлаш жойи ҳамда "Уни худди кўриб тургандек, У сени кўриб туради" нурлари кирган маконни таърифлашдир. Бу улуғлик ва фурсатни қўлга киритиш, бу мулку салтанат юкини ташиш учун руҳ ва сирдан кўра арзийдиган жой топмадик ва кўра олмадик.

Ҳақ йўлининг толиби бу олий мартабага етгач, унинг оромгоҳи "Уни худди кўриб тургандек, У сени кўриб туради" мақоми бўлур. Тариқат пешволари унинг эҳсон билан яшаётганлиги ва руҳ билан тирик эканига ҳукм чиқарурлар. Ва унинг осойиш топадиган мақоми "Билгилки, У сени кўриб туради" маконидир. Унга нисбатан "эҳсон билан яшайди ва сир билан тирик" дея фатво берадилар.

Хуллас, у Ҳақ дийдори олами билан хотиржам, сир билан тирикдир. Ҳақ дийдори билан осуда, руҳ билан ҳаётдир. Ҳар иккала вазиятда ҳам эҳсон ҳаётининг денгизи мададкордир.

Агар сен Ҳақ дийдори олами мартабаси билан муқим бўлган киши ва Ҳақ дийдори мавқесида қойим бўлган кишиларнинг аҳволи ҳақида сўз очсанг, билгинки, ҳар иккаласи ҳам эҳсон билан ҳаёт кечирмоқдалар, уларнинг йўллари турлича бўлса-да, тўғридир...

Таржимонлар:
Сайфиддин САЙФУЛЛОҲ,
Нодирхон ҲАСАН,
ЎзРФА Тил ва адабиёт институти катта илмий ходимлари

Хабар

2002 йилнинг декабр ойидан бошлаб Қарши шаҳрида Очиқ Жамият Институти — Кўмак жамғармаси Ўзбекистон ваколатхонаси кўмагида "Мулоқот" журналистлар клуби иш бошлаган. "Мулоқот" клуби шу кунгача Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги телерадиостудия, газета муҳарририятлари, турли идоралар матбуот хизмати вакиллари учун долзарб мавзуларда семинарлар уюштирмоқда.

МУЛОҚОТ

Бу галги семинарда бугунги журналистларимизнинг оғриқли муаммоларидан бири — эркин матбуот мавзуси атрофида ўзаро фикр алмашилди. Маълумки, кейинги пайтда мамлакатимизда матбуот соҳасининг эркинлашуви билан боғлиқ қатор ижобий муваффақиятларга эришилди. Бироқ ҳалиҳамон матбуот эркинлиги билан боғлиқ баъзи муаммолар ҳам борки, айни муаммоларнинг ечими борасида аниқ хулосаларга келиш ҳамда жамоатчилик фикрига рўйи рост ҳавола этиш зарурлиги долзарб аҳамият касб этмоқда. Баҳс-мунозара тарзида ўтган семинар давомида журналистлар томонидан эркин матбуот ва профессионал маҳорат, ўзбек матбуотининг бугуни ва эртаси борасида фикр ва мулоҳазалар билдирилди.

Жаҳонгир ТЎЙЧИЕВ

Касб

Илм нақадар улуғ хилқат.

Шу туфайли сирли туюлган тугунлар ечила боради. Илм йўлига тушган одам денгиз тубидан гавҳар терувчи ғаввосга ўхшайди. Қанча шўнғиса, шунча кўпроқ гавҳар теради, бироқ хазинанинг охири кўринмайди, ғаввос шўнғийверади, шўнғийверади...

ШИФОГА ҒАРҚ НУР



Бугун Ҳотам Нишонов бошини кўтариб йиққан гавҳарларига бир разм солса, эҳ-ҳе... анчагина бўп қопти. 40 ёшида тиббиёт фанлари доктори бўлган Ҳ. Нишонов 100 дан ортиқ илмий мақола, 10 та методик қўлланма, 6 та муаллифлик ихтироси, 8 та рационализаторлик таклифлари муаллифи. Энг муҳими, қўлида сиҳат топиб, қувончдан кўз ёшларини тия олмаётган одамларнинг миннатдорчилик сўзлари, алқашлари... Гавҳарларнинг энг тозаси, асли шу. Инсон илмга машаққат билан, тинимсиз изланиш билан эришади. Боз устига, кўнгилда илмга муҳаббат, албатта, бўлиши керак. Ана шу мубталолик, шайдолик самара бермай қолмайди. Ҳарқалай, Ҳотам Нишоновнинг фалсафаси шундай. У мактабда "аъло"га ўқиди. Самарқанд Давлат тиббиёт институтининг Даволаш факультетини имтиёзли диплом билан тугаллади.

Ўтириб-ўтириб ўзига савол беради: умр бўйи китоблар олами ичида яшаб келади, излайди, қидиради, инсон танасининг томир-томиригача ўрганади, борган сари билганлари камдек, ҳеч нарсани билмагандек туюлаверади, сирлар салтанати домига тортаверади.

"Мақсад нима эди?" деб ўйлайди у. Юксак илмий даражами, шон-шуҳратми? Худога шукр, бу тарафдан етарли. Унда нега юрак безовта? Нега кўнгилда ҳаловат йўқ? Нега хотиржам эмасман?

"Отангга тортгансан", дер эди агар яқинларига кўнгил ёрганда. Отаси Нишон Турсунов оддий деҳқон одам эди. Барчага бирдай яхшилик соғинарди. Ҳожатбарор эди. Шон-шуҳрат, мартаба, мансабга орзумандлик мутлақо ёт эди у инсонга. "Қўлингдан келса, яхшилик қил, яхшилик қилолмасанг, ёмонликдан тийил" деган ҳикматни жуда яхши кўрарди. Бошида ташвиши бор одам билан то уни енгиллатмагунча ҳамдард эди.

Ўша фазилатлар ўғилнинг юрагига мерос бўлиб кўчган. Энди у қўлида жарроҳлик тиғи билан дардингни бартараф этади. Киприкдаги ёшдай қалқиб турган жон учун жон чекади. Бу риёзат токи бемор кўзида ҳаётга шукроналик нури порламагунча давом этади.

Роҳатнинг энг ширини машаққатли меҳнатдан тер тўкиш экан. Инсоннинг ҳаёт шамини қайта олов олдириб, пешонасида реза-реза тер билан операция хонасидан чиққан жарроҳни бир кўз олдингизга келтиринг. Беморнинг илҳақ қариндошларига "ҳаммаси яхши" деган сўзни айтганидаги ҳолатини тасаввур қилинг. Шу ҳолатда у бемор учун шифокор эмас, энг яқин кишисига айланади. Илму урфон йўлида чекилган заҳмат, муттасил изланиш, меҳнат, одамийлик Ҳотам акани улуғлади, уни қуруқ қўймади. Меҳнат фаолиятини 1975 йил бошлаган Ҳотам Нишонов 7 йил фавқулодда вазиятларда республика Тез тиббий ёрдам кўрсатиш маркази директори, сўнгра Давлат Шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази бош директор муовини вазифаларида ишлади. 1993 йилдан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг Бош жарроҳи. Ўша йилдан Россия Эндохирурглар ассоциацияси аъзоси. Айни пайтда эса Давлат Шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Сирдарё вилояти филиали директори.

Жиззахнинг Кўтарма қишлоғида оддий хонадонда туғилган йигитни овули аллалади. Самарқанд билим, Тошкент тажриба берди. Москва ўзбек йигити иқтидорига ҳайрат билан боқди. Ҳикматой она исмли муборак бир аёл дунёга келтирган фарзанд эл корига ярагувчи бўлди.

Ҳотам аканинг барча илмий ишлари, изланишлари асосан жигар, ўт йўллари, ошқозон ости бези, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак касалликларининг диагностикаси ва даволашга йўналтирилган. Содда тилда айтсак, бу шифокор "одамнинг ичини билади".

Илм кошонасида ҳеч қачон тиним бўлмас экан. 1995 йилдан бери Ҳотам ака жарроҳликда янги технология, яъни эндожарроҳлик усулини клиникада кенг қўллаш борасида иш олиб боряпти.

Гулни ғунчасиз тасаввур қилиб бўлмаганидек, яхши инсонларни шогирдсиз кўриш қийин. Ўткир жарроҳ Ғуломжон Саидбеков Ҳотам аканинг "қўлини олган"лардан. Яна тўрт нафар шогирдлари илмий изланишлар олиб боришаяпти.

Илм — юксак чўққи. Оиланинг хотиржамлиги, яқинларининг меҳри, руҳингни кўтаргувчиларнинг борлиги сенинг ўша баланд чўққиларга чиқишингда асқотаркан.

Маматкул БОЗОРБОЕВ,
Гулистон шаҳри

ТАФАККУР

Иймоннинг учдан бири ҳаё, учдан бири ақл, учдан бири жўмардликдир.

Ҳазрати УМАР (р. а.)

* * *

Одобсизлик бошланган жойда адабиёт тугайди.

М. АКИФ ЭРСОЙ

* * *

Гуноҳ арига ўхшайди, оғзи асал янглиғ тотли, нинаси заҳарлидир.

Ҳ. БАЛЛОН

* * *

Сизга узатилган ҳамма қўлни тутаверманг. Чунки инсон ниқобидаги неча шайтонлар бордир.

Жалолиддин РУМИЙ

* * *

Эй воҳ! Энг шафқатсиз зарба ўзимга, ўзимдан келганини ҳис этдим, лекин жуда кеч.

Муҳаммад Нуруллоҳ Сайдо ал-ЖАЗАРИЙ

* * *

Умр поездини куфр йўлларидан юргизганлар, албатта, бир кун жаҳаннам бекатига борадилар.

Ла ЭДРИ

* * *

Дунё ила охират икки оиласи бор кишига ўхшар. Инсон бирини рози қиларкан, иккинчисини ранжитади.

Ҳазрати Абу БАКР (р. а.)

* * *

Жоҳил учун энг яхши нарса жим турмоқликдир. Агар у буни билганида, балки жоҳил бўлмасди.

Саъдий ШЕРОЗИЙ

* * *

Келиш ва кетиш — ҳаёт ва ҳуррият. Тўхтаб қолиш эса ўлимдир.

Ла ЭДРИ

* * *

Кишининг сирини бировга айтмасликни ойналардан ўргандим.

Ниҳот ОСИЁ

Мулоҳаза

Кўчирмакашликми ёки ўғрилик?

Бугунги кун қўшиқчилиги борасида сўз борар экан, тасаввуримизда шўх, эстрада йўналишидаги ва аксарият ҳолларда рақсга кўпроқ мойил қўшиқлар гавдаланади.

Қўшиқчилик тарихимиз томирлари узоқ-узоқларга бориб тақалади. Маъмуржон Узоқов, Таваккал Қодиров, Ботир Зокиров, Отажон Худойшукуров, Олмахон Ҳайитова, Шерали Жўраевлар миллий қўшиқчилик санъатини юқори поғоналарга олиб чиқишгани ҳеч кимга сир эмас. Ижро этилаётган қўшиқнинг маъносига эътибор бериш, сўзнинг қудратини англаш ва буларни мусиқа уйғунлигида юракдан ҳис этиш ўзбек қўшиқчилик санъатининг характерли хусусиятларидир. Бироқ бугунги кунда ана шундўй ижобий хислатлар, менинг назаримда, бироз унутилгандай.

Кўча-кўйда, бозорда, машинада ёхуд жамоат транспортларида кетаётганингизда шўх, рақсбоп қўшиқлар қулоғингизга чалиниб қолади. Сиз у қўшиқларни аввал қаердадир эшитгансиз. Шунинг учун бу галги қўшиқ аввалгисидан бир оз фаркли туюлгандек бўлади. Ва шу пайт аввалги қўшиқнинг матнини эслаб, ҳозиргиси билан солиштириб, миййиғингизда кулиб қўясиз.

Эстрада йўналишида санъат даргоҳига қадам қўяётган ёшлар кўпчиликни ташкил қилади. Уларнинг овози, ижро этиш усуллари, албатта, бир-бириникидан бутунлай фарқ қилади. Албатта, бу яхши ҳолат. Эл орасида юрадиган гап-сўзларга қараганда, ҳофиз, қўшиқчи зотининг зоти кўпайгани маъқул. Чунки уларнинг нияти яхши. Тўй бўлсин, дейди. Аммо кўпгина баъзи санъаткорлар қўшиқнинг маъносига эътибор беришмайди. Баъзида бошқа тиллардан тўғридан-тўғри таржима қилишади, баъзида эса оддий-оддий сўзларни мусиқага "ўраб" ижро этишади. Бундай қўшиқларнинг мусиқаси ҳам аксарият ҳолларда ўзига яраша... Келинг, яхшиси, мисолларга мурожаат қилайлик. Тожикистон халқ ҳофизи марҳум Караматулло Қурбоновнинг бир машҳур қўшиғи бор:

Ай ёрам биё
Дилдорам биё
Дил майли ту зорам
Сазоворам биё.

Бу қўшиқнинг энди бизнингча талқинини эшитинг:

Ай ёрам фидо
Дилдорам фидо
Дил майли адойинг
Сенга жоним фидо.

Келинг, ушбу қўшиқни таҳлил қилиб кўрайлик. Менимча, бу қўшиқни дуэт усулида ижро этиш керак. Шунда биринчи қўшиқчи "Ай ёрам фидо" деганда, иккинчиси "ниманг фидо" деб жўр бўлиб туриши керак. Ҳақиқатан ҳам, "ай ёрам биё" ёки "дилдорам биё" деганда нимани англаш, нимани тушуниш мумкин? Устига-устак қўшиқнинг мусиқаси тўла-тўкис, ҳеч ўзгаришларсиз кўчирилган. Яна бир мисол. Яқинда нодавлат радиолари орқали:

Дунё савдоси ўтади,
Дилнинг оҳлари ўтади.
Аммо осмоннинг остида
Бизнинг навбат ҳам
ўтади
Неки бўлса ҳам
замонда,

дея бошланувчи бир қўшиқ янгради. Агар бу қўшиқнинг асл матнига эътибор қаратадиган бўлсак, у қуйидагичадир:

Дунёи савдо бигзоранд
Андуҳи дилҳо бигзоранд
Ҳам навбати мо
бигзоранд
Аммо ба – зерии осмон
Ҳамчу замини беҳтараст
Неки бимонанд жовидон.

Агар тўғри англаб етган бўлсак, ушбу қўшиқ ҳам тожик тилидан таржима қилинган. Аммо шу ерда ҳақли савол туғилади: бу қўшиқнинг матнини ким таржима қилган?! Бунга ёрқин мисол: "Неки бимонанд жовидон" "Яхшиликлар абадий қолсин" деган маънони англатади. Буни эса бизнинг хонандаларимиз "Неки бўлса ҳам замонда" дея талқин қилишмоқда. Шу ва шунга ўхшаш мисолларни кўплаб учратиш мумкин. Нафақат тожик тилидан, балки турк, рус, форс тилидан таржима қилинган ёхуд кўчирилган қўшиқларни жуда кўп учратиш мумкин. Агар жайдари фалсафа юритадиган бўлсак, ё санъаткорларимиз тингловчиларимизни шу қадар оми деб ўйлашади, ёки қўшиқчилик улар учун шунчаки машғулот...

Элёр БЕК

Voice of America

Америка овози

www voanews. com/uzbek

- *Дунё хабарлари*
- *Америка ҳаётидан лавҳалар*
- *Қўшма Штатлар сиёсати, иқтисоди, маданияти ва маърифатининг турли қирраларини акс эттирган маълумотлар*
- *Америка ва дунё жамоатчилигини боғловчи қадриятлар*
- *АҚШ ва Марказий Осиё муносабатлари*
- *Вашингтон-Тошкент алоқалари*
- *Демократия ва инсон ҳуқуқлари борасидаги жараёнлар*
- *Терроризмга қарши кураш босқичлари*
- *Дунёдаги долзарб воқеаларга Вашингтондан назар*

Буларнинг ҳаммаси "Америка овози" радиосининг ўзбек тилида ҳавога узатиладиган дастурларида

Эшиттиришларимиз ҳар куни алоҳида-алоҳида дастурлар ҳолида Тошкент вақти билан 17.30-18.00 ва 20.00-20.30 оралиғида эфирга узатилади.

«Америка овози»

радиосини қисқа тўлқин — УКВ
17.30-18.00 да 15470, 17555, 17730 kHzда 19 ва 16 метрларда;
20.00-20.30 да 7295, 9745, 15255 kHzда 41, 31 ва 19,
шунингдек, Душанбе атрофида ўрта тўлқин 1143 килогерцда
ва Ўш минтақасида FM 103,2 метрларда тинглаш мумкин.

VOA

МУРОЖААТ УЧУН
VOA UZBEK SERVICE Independence Avenue SW, Room # 2141, Washington, DC 20237, USA
Tel: (202)6197566, (202)6190368, fax: (202)2603498, (202)6190368
uzbek@voanews.com

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани Буюк ипак йўли кўчаси, 4-уйда жойлашган "ZARGAR-AGAT" хусусий фирмаси ТУГАТИЛАДИ. Мурожаатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Жиззах вилоятидан фуқаро Ильмуротов Убайдулла Халбаевич номига берилган олий ўқув юртини тугатганлиги ҳақидаги диплом, ҳарбий билет ва меҳнат дафтарчаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси, "Ҳуррият" газетаси жамоалари таниқли адиб Мақсуд Қориевнинг рафиқаси
МАРҒУБАХОН аянинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси, "Ҳуррият" газетаси жамоалари «Наманган ҳақиқати» газетаси Бош муҳаррири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист
Фарҳод ЙЎЛЧИЕВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзингни англаб ет!
Mustaqil gazeta HURRIYAT

Муассис: Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: **Исмат ХУДОЁРОВ**

Таҳрир ҳайъати: Турсунали АКБАРОВ, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Амирқул КАРИМОВ, Наим КАРИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Озод ШАРАФИДДИНОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот ва ахборот агентлигида 165-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими А-2.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй. Телефон: 144-25-06, 41-52-72, 41-49-91.

Индекс:
Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Давлат ПОЛВОНОВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 20.00
Буюртма — Г - 331
Адади: 3305

Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

«Hurriyat» kompyuter markazida Jamshed TOG'AEV tomonidan sahifalandi.